Туркистон бир, ватан бир

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

1993 йил 20 апрель • Сешанба • № 45 (14073) ترکستان TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг учрашуви

Ислом КАРИМОВ:

«Орқага қайтиш йўқ. Ўзбекистоннинг йўли битта— мустақилликни мустаҳкамлаб, олға бориш!»

Тасодифми, йўқми, ҳар ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг самолёти «Минск-2» аэропортига ҳаммадан кейин қўнди. Шу пайт Беларусь ҳукуматининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида Борис Ельцин, Леонид Кравчук, Нурсултон Назарбоев, ҳамдўстликдаги мустақил давлатларнинг бошқа раҳбарлари уни кутиб туришарди. Шу боисдан Ислом Каримов тушган самолёт пиллапояси ёнида журналистлар унга кетма-кет саволлар ёғдиришаётганида Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич дамбадам соатига қараётгани учрашув мезбонининг бирмунча бетоқат бўлаётганидан далолат берарди. Ислом Каримов эса бунга парво қилмасди. У довулдек ёғилган саволларни эшитиб, шундай жавоб қайтарди:

— Учрашувни зудлик билан ўтказишга қарор қилинди. Охир оқибатда биз қандай қарорга келишимизни равшан билмасам ҳам, шуни аниқ айта оламан: Россия Президенти Ельцинга ва парламентга ишонч билдириш юзасидан 25 апрелда ўтказиладиган референдум асосий масалага: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бундан буён яшайдими ёки йўқми? — деган саволга жавоб беради бир қанча оммавий ахборот воситалари вакилларининг гўё Ўзбекистон Республикаси МДҲда қатнашишдан бош тортади, деган гаплари — ғирт ёлғон. Биз бирлашув жараёнларини ривожлантириш учун изчил ҳаракат қилиб келяпмиз. Бу ҳаракат аввалгидек қоғозда эмас, балки амалда бўляпти, Нега десангиз, шу дамгача 270 та ҳужжат қабул қилинди. Афсуски, улардан биронтаси наф бермаяпти... Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олган. Аммо МДҲ ҳамкорликнинг энг мақбул ва энг маданий шакли эканига ишончим комил. Ҳозирги энг муҳим вазифа — таъсирчан ҳаракат омилини ишлаб чиқиб, шу тариқа мазкур ижтимоий-сиёсий тузилмадан баъзи кимсаларнинг қулай ниқоб сифатида фойдаланишига чек қўйишдан иборат.

Ислом Каримов дарҳол бошқа давлат бошлиқлари мунтазир бўлиб турган Беларусь ҳукуматининг шаҳар ташқарисидаги «Заславль-1» қароргоҳига йўл олди.

Мўъжазгина бино ичида нима гаплар бўлгани фақат ўн нафар сиёсатчига маълум (Асқар Акаев ўрнига Минскка Қирғизистон Вице-президенти келди, Сапармурод Ниёзовнинг ваколатларини эса Туркманистон парламентининг палата раиси бажарди. Ишончли манбалардан маълум бўлишича, МДҲ давлатлари бошлиқларининг навбатдан ташқари мажлисида раислик қилиш Ислом Каримовга таклиф этилган. У таклифни рад этди. Бу — сиёсатчининг пухта мулоҳазаси эди. Ҳар ҳолда учрашувни амалда уч раҳбар — Борис Ельцин, Нурсултон Назарбоев ва Станислав Шушкевич тайёрлашган эди. Бинобарин, мажлисда ўз мақсадларини кўзловчи арбобларни «жиловлаб» туриш Каримовнинг характерига мос келмас эди. Мажлис қатнашчиларининг кўплари аниқ кун тартибини Беларусь пойтахтига келганларидан кейингина билишган эди...

Журналистлар эса кутиб туришарди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мувофиқлаштирувчи кенгашининг биносидан улар ахборот-маданият марказига (собиқ Белоруссия Компартияси Марказий Қўмитасининг сиёсий маориф биносига) бориб келиб туришарди. Ҳаммалари нималар бўлаётганини билолмай хайрон эди. Ниҳоят, МДҲ мувофиқлаштирувчиси маҳкамасидан аниқ ахборот олинди, иш жадвали бузилишига қарамай, давлат бошлиқлари мажлисхонаға келишлари маълум бўлди. Одатдагидек суратга олиш учун уч дақиқа вақт берилди, шундан кейин ҳаммани журналистлар билан суҳбат бўладиган бинога боришга ўтиниб таклиф қилишди.

Давлат бошлиқлари ҳузурига эса Борис Ельцин баёнот берди. Бу баёнот Москва газеталарида тўла эълон қилинади. Бу ўринда унинг айрим қисмларинигина баён этмоқчимиз. Ажралиш жараёнлари даври ўтиб кетганига Россия Президентининг ишончи комил. Бузилган алоқаларни қайтадан тиклаш зарур. Миллатлараро жанжалларни тўхтатиш, ҳамдўстлик фуқаролари бемалол маданиятли ҳаёт кечиришлари учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш муҳимдир. Бунинг учун Россия бир қанча дастурлар мажмуини таклиф қилди.

Шундан кейин қора «ЗИЛ» ва «Чайка» машиналари карвони дарҳол маданият-ахборот маркази биносига етиб келди...

— Бир неча кун муқаддам ҳамдўстлигимиз давлат бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашуви бўлишини бир неча кишигина билар эди. — Минск кенгашини бошқарган Нурсултон Назарбоев тайёр матнни ўқий бошлади. — Шундай бўлиши мантиқийдир. Аввалги ҳамма учрашувларда кўп-кўп ҳужжатлар қабул қилинди-ю, аммо улар қоғозда қолиб кетди. Шу сабабли МДҲ давлат бошлиқларининг бу галги учрашуви муҳокамасига: «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада мустаҳкамлаш тўғрисида» деган фақат битта сиёсий масала қўйилди. Бу масала зудлик билан ҳал этишни тақозо қилади.

Сўнгра Қозоғистон Президенти ажралиш жараёнлари кучайиб бораётгани ҳақида гапирди, собиқ Иттифоқнинг энди мустақил бўлиб қолган давлатлари ўртасида яқинроқ ҳамкорлик зарурлигини айтди. Россияда кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршилик, қонуний сайланган Президентни четлаштиришга интилишлар оқибати нима билан тугашини олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеаларга сабаб бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг оқибатида, ниҳоят, аниқ бир шаклга кирган МДҲнинг умри тугаб қолиши мумкин.

— Буни англаш учун яна қанча одамлар қурбон бўлиши ва қанча азоб-уқубат чекилиши керак, — деди Қозоғистон Президенти. — Сирасини айтганда, МДҲнинг келажаги сиёсий масала эмас, балкил умумбашарий масаладир! Шуларни назарда тутиб Қозоғистон ҳарбий, стратегик, иқтисодий масалаларга тааллуқли таклифларнинг бутун бир мажмуини давлат бошлиқлари муҳокамасига тақдим этишга тайёр.

Аслида, бу — бўлажак референдумда Борис Ельцинни қўллаб-қувватлашга даъват этувчи баённома эди. Ҳа, раҳбарлардан бирон киши бунга қарши чиққани йўқ, аксинча, мажлис бошқарувчисини қўллаб-қувватлади. Тўғри, Нурсултон Абишевич оз бўлмаса, собиқ Иттифоқни қайтадан тиклашга даъват қила бошлаганида, баъзилар ҳайрон бўлиб қолишди...

Ўжар Украина Президенти Леонид Кравчукнинг Минскда айтган гаплари унинг аввалги фикрларига мутлақо ўхшамас эди. У бундай деди:

— Кўпгина журналистлар мени МДҲнинг ашаддий душманига чиқариб қўйишди. Ҳа, кўп масалаларда менинг фикрим бошқа давлат бошлиқларининг фикри ва ёндашувларидан фарқ қилади. Аммо бугун шу гапни аниқ қилиб айт-

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: аэропортда Ислом Каримовни кутиб олиш пайти; Ҳамдўстлик давлат раҳбарларининг учрашуви. ЎзА суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида

Сотиб олинаётган моддий-техника ва ёқилғи: энергетика ресурсларига қишлоқ хўжалигининг ҳаражатлари ортиб бораётганлиги муносабати билан ҳамда овқатбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара фермер ва бошқа хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Чорва, сут, картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг чегараланган харид нархларини ўзгартириш ва айрим озиқ-овқат молларининг чакана нархларини тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

1993 йилнинг 20 апрелидан бошлаб тирик вазндаги чорванинг чегараланган харид нархлари даражаси илгари белгиланганига нисбатан 1,9 бараваар, сут — 1,7, картошка йил мавсумига қараб — 2,5—4,8 баравар, бошпиёз — 1,6, карам — 1,8, сабзи — 1,7—3 баравар, помидор — 1,3—1,9, олма — 4,2 баравар оширилди. Қуруқ мева ва майизнинг харид нархлари шартномавий асосга ўтказилди.

Харид нархларининг мана шундай оширилиши республиканинг жамоа хўжаликларига, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига шу йилнинг қолган 9 ойи ичида қўшимча салкам 30 миллиард сўм даромад олиш имконини беради, бу эса фақат давлат буюртмаси ҳажми ҳисобидангина бўлади. Давлат буюртмаси чорва ва сут учун харид ҳажмларининг 80 фоизи миқдорида, мева-сабзавот маҳсулоти учун 50 фоизи миқдорида белгиланган.

Маълумки, мева-сабзавот маҳсулоти ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида республикада шундай маҳсулотни янги ҳолида олиб чиқиб кетишга божлар жорий этилган. Мева-сабзавот маҳсулотларининг чегараланган харид ва шартномавий нархлари оширилганлиги муносабати билан божлар ҳам шунга мувофиқ равишда ошади.

Ҳамдўстлик мамлакатларида иқтисодий ва хўжалик алоқаларининг бузилиши республикага етказиб берилаётган озиқ-овқат хом ашёси қимматлашувига сабаб бўлди, ҳамма жойда унинг танқчиллиги сезилмоқда. Масалан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ва энг асосийси — қуруқ сут порошогини етказиб бериш камайди; бу эса, яъни қуруқ сут порошоги аҳолини, айниқса, қиш-кўклам фаслида қаймоғи олинмаган сут билан узлуксиз таъминлаб туришда жуда муҳимдир. Чунончи, республика МДҲ мамлакатларидан гўштнинг ҳар 1 килограммини 750 сўмдан сотиб оляпти.

Чигитни қайта ишлаб ёғ олиш учун асосий таркибий қисмлар бўлмиш экстракция бензини, каустик сода, оқартирувчи гил, фильтрлаш матолари етказиб бериш ҳажмлари камайиб, айни вақтда уларнинг нархлари кўп карра ошиб кетди. Транспорт ва сотиш ишларидаги сарф-ҳаражатлар ортиб бормоқда.

Бу ҳол республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат молларининг таннархи ва табиийки, нархлари ўсишига таъсир қилмасдан қолмади. Айни шу боисдан 1993 йилнинг 20 апрелидан бошлаб белгиланган меъёрларда аҳолига сотиладиган ҳамда ишлаб чиқариш, талабалар, мактаб ошхоналари ва буфетларини таъминлаш учун 1 килограмм гўштга — 200 сўм, ўсимлик ёғига — 40 сўм, макарон маҳсулотларига — 50 сўм, шунингдек, қуйиб сотиладиган қаймоғи олинмаган сутнинг 1 литри учун 20 сўм қилиб чакана нархларнинг янги чегараланган миқдорлари жорий этилади.

Аммо чакана нархлар мана шундай оширилган тақдирда ҳам йилнинг бир чорагидагина гўшт ва сутга бериладиган жами ёрдам пули 12 миллиард сўмни ташкил этади, чунки ўзимизда етиштирилиб, аҳолига сотилаётган ҳар бир килограмм гўшт давлатга 500 сўмга, сут эса 33 сўмга тушмоқда.

Шуни қайд этиб ўтиш кераки, ҳозирги вақтда МДҲнинг кўпгина республикаларида гўшт, сут, ўсимлик ёғи ва макарон маҳсулотларининг чакана нархлари эркин қилиб қўйилган ва уларнинг даражаси республикамизда янгидан белгиланган даражадан анча юқори. МДҲнинг айрим давлатлари бўйича қуйида маълумотлар келтирилади.

маҳсулотлар	гўшт	сут	ўсимлик ёғи	олий нав ундан тайёрланган макарон
Тошкент	200	20	40	55
Москва	627	98	328	151
Киев	725	72	226	100
Олмо-Ота	460	64	470	195
Санкт-Петербург	648	69	367	136
Бишкек	350	62	—	146
Кишинев	672	10	168	190

Турк дунёсида оғир йўқотиш

ТУРҒУТ ЎЗОЛ ХОТИРАМИЗДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ

Яқинд[illegible]ина Ватанимизга дўстона ташриф буюрган Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол энди орамизда йўқ. Жаҳоннинг турли оммавий ахборот воситалари 66 ёшида унинг юраги уришдан тўхтаганини маълум қилди. Мамлакатимиз халқи бу совуқ хабарни чуқур қайғу билан кутиб олди. Зеро, унинг самимий табассумли қиёфаси ҳали кўз ўнгимиздан кетмаганди. Ота юртни, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий ҳокини зиёрат этаётганида ҳеч ким бу унинг мамлакатимизга сўнгги сафари эканини билмас эди. Бироқ, минг афсуски, бу қайғули хабар рост бўлиб чиқди.

19 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Олий Кенгаши Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов ҳамда ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев Туркиянинг буюк фарзанди, машҳур давлат ва сиёсат арбоби, Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Ўзолнинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириш учун Туркиянинг мамлакатимиздаги элчихонасига келдилар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари марҳум хотирасига ҳурмат бажо этдилар. Сўнгра Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбарияти ва мамлакатимиз халқи номидан таъзия дафтарига ушбу сўзларни ёзиб қолдирди:

«Туркиянинг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистоннинг қадрдон дўсти, Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзолнинг бевақт вафоти тўғрисидаги хабар бутун дунёни ларзага солди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги биродарона алоқаларнинг қайтадан тикланиши Турғут Ўзолнинг бетиним фаолияти билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Айниқса, ушбу беқиёс инсон Тошкентда кечагина бўлиб ўтган учрашувлар давомидаги унинг юрак ва қўл ҳароратининг тафти ҳали унутилмаган бир пайтда бу даҳшатни ҳис этиш нақадар оғир!

Ўзбекистон ҳукумати ва халқи Туркия ва Ўзбекистондаги унинг сафдошлари Турғут Ўзолнинг ишларини муносиб равишда давом эттиришларига ишонадилар.

Биродаримиз Турғут Ўзол жаноби олийларининг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий қолади».

ПЛЕНУМ БЎЛДИ

Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўтиш даврининг ҳамда туман ташкилотлари конференцияларининг якунлари ва Ёшлар Иттифоқи шаҳар ташкилотининг келгусидаги вазифалари тўғрисида» қўмита биринчи котиби Ж. Ҳакимов маъруза қилди.

Бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Пленум қатнашчилари «Ишчи ёшлар», «Талаба ёшлар», «Ўқувчи ёшлар» шўъбаларига бўлиниб, иш олиб бордилар.

Пленум ишида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми котиблари К. Жуманиёзов, И. Бибиков ва бошқалар иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз).

Шу сонга хабар

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов жаноблари, ўзбек халқи баҳор байрами Наврўзни нишонлар экан, ўз анъаналари ва маданиятини сақлаб қолишга интилмоқда. Шу жиҳатдан биз уни буюк миллат деб тан оламиз.

Шу мавриддан фойдаланиб, Сизга ва халқингизга ғоят дўстона қутловлар йўллайман ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан мен бошчилик қилаётган Юқори Сена департаменти ўртасидаги алоҳида яқин алоқаларни яна бир бор эслатиб ўтаман.

Президент жаноблари, сизга зўр ҳурмат-эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Шарль ПАСКУА,
собиқ вазир, Юқори Сена департаментининг сенатори.

ХИЗМАТИГА ЯРАША МУКОФОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Ўзбекистон фуқаро авиациясини ривожлантиришда кўп йиллар самарали меҳнат қилгани ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори **Ганий Мазитович РАФИҚОВ**га «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони бериш тўғрисида фармон чиқарди.

Бу хизматга яраша муносиб мукофот бўлди.

ОНА СУТИНИ ҚАДРЛАНГ

Миллат келажаги «Соғлом авлод учун» ҳаракати қўллаб-қувватланган тадбирлар жумҳуриятимизнинг турли жойларида амалга оширилмоқда. Куни кеча Гулистон маҳалла қўмитасига Улуғбек тумани шифокорлари ташриф буюришди. Йиғилиш қатнашчилари: туман бош педиатри Ғ. Абдуллаева, 5-болалар касалхонаси бош шифокори Б. Дадамуҳамедовалар хотин-қизлар билан дилдан суҳбат қуришди. Бола соғлом, дуркун ўсмоғи учун аёлларнинг ўзлари соғлом ва маълум тиббий билимга (фарзанд туғиш, парваришлаш, тарбиялаш) эга бўлишлари кераклиги хусусида гапиришди.

Йиғилишда туман, маҳалла қўмиталари раислари, хотин-қизлар қўмиталари аъзолари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири муовини, Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қулаҳмад Ризаевлар иштирок этишди.

А. ЭРГАШЕВ.

ИМТИЁЗЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Қуванинг Амир Темур номидаги 3-мактаб жамоаси Фарғона Давлат дорилфунуни ва Политехника институти билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Мазкур илмгоҳларнинг олимлари ва тажрибали ўқитувчилари мактаб ўқувчиларининг фанларни қандай ўзлаштираётганини мунтазам кузатиб боради, ўзлари ҳам дарс беради. Дарслар одатдагига қараганда анча кенг ўтилади. Мактабни «аъло» баҳолар билан тамомлаган ўқувчи танлаган соҳаси бўйича дорилфунун ёки институтга имтиёзли қабул қилинади.

ЯНГИ КАФЕДРА

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа қатор мақсадлар учун ҳаражатларга юз миллиардлаб маблағ тўплаш керак бўлмоқда. Бу маблағларни эса янги ташкил этилган Давлат солиқ Бош бошқармаси йиғиб бермоқда. Ана шу ҳаракатлар учун солиқчи ихтисосидаги мутахассислар жуда кўплаб керак бўлади. Шуни инобатга олиб Тошкент молия институтида «Солиқ ва суғурта» кафедраси очилди.

Солиқ ихтисослиги бўйича назарий ва амалий билим олган талабаларга Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги солиқ инспекциялари раҳбарлари, Каттақўрғон, Урганч шаҳри солиқ бошқармалари талабгор бўлишмоқда.

Қ. ЯҲЁЕВ.

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ УЧРАШУВИ

Жиззах вилояти ҳокимлигида вилоят маҳаллалари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жойлардаги оқсоқоллар ўзлари олиб бораётган ибратли тадбирлар билан ўртоқлашдилар. Учрашувда вилоят ҳокими Алишер Тошкенбоев сўзга чиқиб, мамлакатимизда бўлгани сингари вилоятда ҳам барқарорликни таъминлашда, бозор иқтисодиётига жадалроқ ўтишда маҳаллаларнинг тутган ўрни ҳақида тўхталди.

Шу куни учрашув қатнашчилари шаҳардаги Кўтарма маҳалласида бўлиб ўтган Наврўз байрамида қатнашдилар. Бир пиёла чой устида ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

МАТЛУБОТЧИЛАР САҲОВАТИ

Фарғона политехника институти талабалари шу баҳорий кунлар вилоят матлубот жамияти томонидан (раиси Маъмуржон Тожибоев) 100 минг сўмдан зиёд пул билан сийландилар.

Ушбу маблағ илм даргоҳи касаба уюшмаси қўмитаси қарори билан ёрдамга муҳтож талабаларга берилди. Пулнинг бир қисми эса талабаларнинг таклифлари билан шаҳардаги кўп болали оилалар, қаровчисисиз қолган кексаларга тарқатилди.

М. УЗОҚОВ.

«ТЕСТ МАШҚЛАРИ» ҚЎЛЛАНМАСИ

«Андижон» нашриёти Андижон Давлат дорилфунуни ўқитувчилари Мунаввара Ёқуббекова ва Маъмуржон Сандхонов билан ҳамкорликда «Ўзбек тили ва адабиётидан тест машқлари» қўлланмасини нашр этди. Қўлланма она тили, адабиётга доир тест машқлари ва уларнинг жавоблари билан бойитилган. Бу машқлар илм толибларида мантиқий фикрлаш, мушоҳада юритиш, тўғри жавобни танлай олиш кўникмаларини мустаҳкамлайди.

«Орқага қайтиш йўқ. Ўзбекистоннинг йўли битта— мустақилликни мустаҳкамлаб, олға бориш!»

(Боши 1-бетда).

моқчиман: Россиядаги референдум Россия давлати чинакам демократик ислоҳотлар йўлидан борадими ёки орқага қайтадими? — Мана шуни кўрсатиб бериши керак. Россия фуқаролари тўғри йўлни танлаб олишларига, Борис Николаевич Ельцин учун овоз беришларига ишончим комил. Акс ҳолда катта можаро чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бугина эмас, Леонид Макаровичнинг баёноти кўпгина журналистларни ҳайратга солиб қўйди. Чунончи: ягона банклараро воситани вужудга келтириш ва МДҲнинг ягона валютасига ўтиш зарур! — деди у. Президент Кравчукнинг бу гапини шарҳламоқчи эмасмиз. Унинг ёндашувларида яқинроқ бирлашув муддаоси сезила бошлади. Бундан бошқа илож ҳам йўққа ўхшайди ўзи! Чунки ҳозир Россияда давом этаётган сиёсий кураш Украинага ҳам салбий таъсир қилаётгани шубҳасиз.

Диққатга сазовор бир ҳолат: журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига асосан Леонид Кравчук, Нурсултон Назарбоев, Ислом Каримов ва Станислав Шушкевич жавоб қайтаришди. Хўш, бошқаларчи? Турли ёндашувлар борлигига қарамай, улар мустақилликни мустаҳкамлашга интилиб, ҳамкасбларининг фикрига тўла-тўкис қўшилдилар.

Ягона божхона қоидалари, ягона банк тизими бўлмаса, ишимиз юришмайди, — деб таъкидлади Беларус Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич. — Ҳозирги тангликдан қутилишнинг бирдан-бир йўли мана шу.

Борис Ельциннинг Минскда журналистлар билан суҳбатда айтган гаплари шак-шубҳасиз қизиқиш уйғотди. У 16 апрель куни саволларга жавоб қайтаришда бошқа президентларга кўпроқ йўл қўйиб бергани таажжубли бўлди. Ўзи қисқа-қисқа гапирди ва сиртдан ўзини вазмин тутди...

Бу масалада Ислом Каримовнинг фикри қандай бўлди дерсиз? У журналистлар билан суҳбатда ҳам, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири билан якка суҳбатда ҳам фикр-мулоҳазаларини жуда аниқ-равшан ифодалаб берди.

— Минскдаги учрашув зарур эди,—деб таъкидлади Ўзбекистон Республикасининг Президенти. — Гарчи унда бирорта ҳужжат имзоланмаган бўлса-да, ҳамдўстлигимизнинг келажагига тааллуқли муҳим қарорлар қабул қилинди. Такрор айтаман, ҳозир бу — ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бирдан-бир маданий ва демократик йўлидир. Биз Россиядаги референдум арафасида Беларусь пойтахтида тўпланганимиз ҳам тасодифий бўлмади. Россияда ўзаро кураш кучайиб, собиқ империяга қайтишга, иттифоқни тиклашга интилувчи кучлар бош кўтармоқда. Шу сабабли Борис Ельцинга муқобил кела оладиган арбоб йўқ! Шу нарса аён: консерватив кучларнинг ғалабаси Россиянинг ўзида ҳам, эндиликда мустақил бўлиб қолган бир қанча мамлакатларда ҳам даргумон оқибатларга олиб боради. Бу ерда келажакни қўмсаш майллари кучли, айни шу вақтда ўша йирик республика парчаланиб бормоқда. Борис Ельциннинг ислоҳот давомида қабул қилган қарорларига мен кўп жиҳатдан қўшилмайман, унинг хатолари ва янглишишлари очиқ кўриниб турибди. Аммо, умуман олганда, у ўз мамлакатини сиёсий ва иқтисодий тангликдан қутқаришга қодир бўлган бирдан-бир раҳбардир.

Менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, ҳамдўстликдаги баъзи раҳбарларнинг мушкул аҳволга тушиб қолинганлиги, эски тузумга қайтиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари — бўлмаган гап! Ўзбекистон яна тоталитар тузумга қайтиш учун мустақилликка эришгани йўқ. Мустақилликка эришилган вақтдан бери ҳеч нарсага эришилмади, деб ҳисоблаётган кишиларнинг фикрига мутлақо қўшилмайман. Миллатнинг маънавий тикланишичи, миллатлараро тотувликчи, қадимий маданиятнинг, тилнинг ривожланаётганичи? Булар нима, ютуқ эмасми? Ҳамма нарсани нуқул моддий қадриятларга олиб бориб тақаш ярамайди. Ҳар бир маърифатли кишининг ҳаётида маънавийлик муҳим ўрин тутади.

Ҳа, биз — бирлашув тарафдоримиз. Аммо у бирон-бир тазйиққа йўл қўйилмайдиган, ўзаро манфаатли бирлашув бўлиши керак. Ҳозир Ўзбекистон бошқа мустақил давлатлар билан муносабатларини ҳамфикрлилик, яъни иноқлик асосига қурмоқда. Дарвоқе, мен «яқин ва олис хориж» деган тушунчаларни тан олмайман. Бизнинг мақсадимиз халқнинг камолотига, мустақил давлатнинг равнақига эришишдан иборат! Шу сабабли собиқ иттифоқни қайта тиклаш, қаттиққўл маъмурий-тақсимот тизимига қайтиш йўлидаги уринишлар бизга мақбул эмас.

Империяга қайтмоқчи бўлган ҳозирги «қайта қурувчилар»нинг муроди нима? Империяга қайтишми? Мустақил Ўзбекистон, унинг халқи бу йўлдан бормайди. Республика ўн йиллар давомида хом ашё манбаи бўлиб келди. Бу ердан ҳамма нарса: пахта, олтин, мис, кумуш, саҳоватли диёримизнинг ноз-неъматлари четга олиб кетилди. Эндиги мақсадимиз шуки, жаҳон бозорига қуйма қўрғошин билан ёки пахта толаси билан эмас, тайёр маҳсулот билан чиқмоқчимиз. Биз етакчи Ғарб фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этяпмиз. Бунинг маъноси шуки, биз чала тайёр буюмларни эмас, балки хом ашёга нисбатан бир неча баравар ортиқ қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотни экспорт қиламиз.

Бу хусусда ўнлаб, юзлаб мисолларни айтиб беришим мумкин. Ўша пахта, капролактам, нитрон, мисни олиб кўринг... Чет элга мис сотгандан кўра камёб кабел маҳсулотини сотиш манфаатлироқ эканини иқтисодий жиҳатдан саводи бўлган ҳар бир киши тушунади. Бу доимий фойда келтиришидан ташқари минглаб кишини иш билан таъминлаш кафолатини ҳам беради. Ёки сабзавот ва мевани олайлик. Ҳали яқиндагина республикамиздан собиқ иттифоқнинг турли минтақаларига бир ярим миллион тонна сабзавот ва мева ташиб кетилар эди. Бунинг учун эса арзимас ҳақ олар эдик. Энди биз фақат консерва ҳолидаги маҳсулотни чет элга сотамиз. Исрофгарчилик йўқ даражага келтирилади, фойда эса юқори бўлади.

Мендан кўпинча: Ўзбекистон қачон ўз валютасига ўтади? — деб сўрайдилар. Биз учун бу шунчаки бир мақсад эмас. Бу жиддий қадамни қўймоқ учун бир неча муҳим муаммони ҳал қилиш зарур. Четдан мол келтиришдан кўра, четга мол чиқариб сотишнинг устунлигига эришиш шу муаммоларнинг энг муҳимидир. Биз, албатта, бунга эришамиз. Малайзиядек мамлакат шундай қила олди-ку, наҳотки, биз бунга эриша олмаймиз.

Меҳнатсевар, истеъдодли халқимиз энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир. Биз бозор иқтисодиётига ларзаларсиз, сакрашларсиз ўтиш йўлини танлаб олдик. Айни бир вақтда яна бир муаммони ҳал қилиш — боқибеғамликка чек қўйиш лозим. Бу кайфият жамиятимизда ҳали ҳам кучли. Бироқ бу муаммоларни ҳал қилса бўлади. Мустақил Ўзбекистон ҳеч қачон орқага қайтмаслигига аминман. Унинг йўли битта, фақат олға бораверади!

Шундай қилиб, 25 апрель куни Россиянинг тақдиригина эмас, эҳтимолки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ҳам тақдири ҳал бўлади. Ҳар ҳолда таҳлилчиларнинг тахминларига, социология тадқиқотлари маълумотларига қараб: «қайта қурувчилар» ғалабага эриша олмайдилар, деб хулоса чиқарса бўлади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.
Минск — Тошкент.

ШИША БУЮМЛАРИ ЯСАЛМОҚДА

Ғаллаорол тумани матлубот жамияти дўконларида шишадан ясалган кўзача, гулдон, қантдон ва турли ёдгорлик совғалари сотила бошлади. Бу нафис буюмлар яқинда ташкил этилган цехда ишлаб чиқарилмоқда. Харидоргир маҳсулотга ҳозир ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушяпти. Корхона консерва заводлари, яхна ичимликлар қуйиш цехларидан олинган шиша синиқларидан хомашё сифатида фойдаланяпти.

Ўтиш даври сабоқлари

ТАРИХНИНГ

ЎЛКАМИЗДА баҳор кезаётган, ҳали Наврўз шодиёналари тарқамай туриб қорақалпоғистонлик ёшлар тарихий анжуманга йиғилдилар. Ушбу машваратнинг «тарихий» аталиши боиси — у Қорақалпоғистон Ёшлар Иттифоқининг биринчи съезди мақомини олди. Гап йиғиннинг атамасида эмасдир. Конференция атадик нима-ю, съезд дедик нима? Агарда мустақиллик сиёсатининг илк куртаклари тарзида Қорақалпоғистон давлати Конституцияси қабул қилинаётганини айтсак ёшлар ўзларининг биринчи съездига тўпланишганини фахр билан таъкидлашаётганини тўла тушуниш мумкин.

...Съезд ўтган йилларда биз кўникиб қолган қолиплар — русм бўлган одатлардан айри тушмади. Эрталабдан комсомол фахрийлари, ёшлар етакчилари шаҳар марказидаги халқлар дўстлиги рамзи бўлмиш ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйишди. Муқаддимасида давлатимизнинг мадҳияси янгради.

Съезд бўлиб ўтажак залнинг улкан саҳнасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг давлат байроқлари осиғлиқ.

Республика ташкилотининг ўтган уч йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот маърузаси ўқишресқўмнинг биринчи котиби Кўптилов Низомитдинов зиммасига тушди. У биринчиликка сайланганига ҳали бир ойча ҳам бўлмаган. Ўтган ҳисобот даврида уч нафар биринчи котиб алмашди. Ресқўмга узоқ йиллар етакчилик қилган ва ташкилот тарихида эсда қоларли тадбирлар бошловчиси Озод Абдумажидов Қонликўл тумани ҳокими биринчи муовини, ундан эстафетани олган Лепесбой Шербоев эса «Шерха» жумҳуриятлараро ташқи иқтисодий фирмаси бош директори вазифаларида ишлашмоқда. Тоҳир Дешекенов эса бир ой илгари республика давлат назорати қўмитаси раиси ўринбосари бўлиб тайинланган. Уч нафар «собиқ» ҳам шу ерда.

Кўптилов маърузани шошилиброқ ўқиди. Аммо, ҳисоботдаги керакли факт, рақамларни эсда сақлаб қолиш мумкин эди. Шу ўринда ташкилотнинг даражаси, нуфузи, салобати борасида тасаввур ҳосил қилиш учун маърузадан айрим ўринларни келтириш жоиз.

Республика қўмитаси қошида бешта хўжалик ҳисобидаги бирлашма фаолият кўрсатиб, уларда қирқ беш нафар ёш иш билан машғул. 1992 йилда бу бирлашмалар юз минг сўмдан ошиқ соф фойда олдилар.

Ташкилот ҳисобида бугунда 177600 нафар ЁИ аъзоси туради. Шу кунгача уларнинг 104000 нафарига янги аъзолик гувоҳномалари ёзиб берилди. Ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш ҳам нисбатан яхши бормоқда. 1990 йилда 16942, 1991 йилда 15002 ва 1992 йилда 18165 нафар аъзо қабул қилинган. Беруний, Хўжайли, Амударё ва Чимбой туманлари ташкилотларида бу иш мақтовли даражада. Айни пайтда Элликқалъа, Шиманой туманлари ва Тахиатош шаҳар ташкилотида янги аъзолар қабул қилиш ниҳоятда ташвишли аҳволда. Кўрсаткичлар деярли икки ҳисса камайиб кетган.

Ҳозирги иқтисодий оғир шароитда жойлардаги ёшлар ташкилоти етакчиларини мунтазам маош билан таъминлаш ва уларнинг ваколатини ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда жамоа ва давлат хўжаликлари ёшлар ташкилотларининг котибларини раис ва директор муовинлари штатига ўтказиш масаласи ҳам қатор ҳудудларда амалга оширилди. Масалан, Чимбой туманидаги 10 хўжаликнинг еттисида, Нукус туманида 2, Мўйноқ ва Қораўзак туманларида ҳам иккита, Қўнғирот туманида эса бир хўжаликда бошланғич ташкилот котиблари учун ёшлар масалалари бўйича раис муовинлари лавозимлари ташкил этилди.

Иқтисодий аҳволни бартараф этиш мақсадида Қўнғирот ва Нукус туманлари ёшлар ташкилотлари хўжаликлар билан шартнома асосида 10 ва 16 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 20 тонна шоли, 20 тонна полиз маҳсулотлари етиштиришди. Ишдан бўш вақтларида машғул бўлган бу юмушлардан район ташкилотлари ғазнасига 275 минг сўм пул келиб тушди.

Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси баланд. Республика меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, бугунда республикада 1184 нафар ёш иш билан банд эмас дейилган бўлса, ЁИ қўмиталари ўтказган ҳисоб-китобларда бу рақам 10400 деб қайд қилинган. Муқим иш билан банд бўлмаслик, ёшлар ташкилотларидан ажраб қолиш оқибатида ёшлар ўртасида қонун бузиш ҳоллари тобора кўпаймоқда. Ўтган бир йилда бу кўрсаткич 8 фоизга ўсган.

Ёшларни иш билан таъминлаш, ЁИ қўмиталарига имкон қадар моддий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган Ёшлар марказларининг ишлари ҳам мақтовли эмас. Уларнинг ҳаммаси ҳам рисоладагидек ишлаб кетишолмади. Фақат, Амударё тумани қўмитаси қошидаги «Ижод», Тўрткўл тумани қўмитаси қошидаги «Орзу» ва ресқўм қошидаги «Восток» Ёшлар марказлари ишлари бир қадар йўлга қўйилган.

Биз маърузанинг мағзини келтирдик, холос. Аслида ташкилот ўз имкони даражасида амалга оширган ишлар кўп. Айниқса, Орол денгизи қуриб бориши туфайли юзага келган оғир экологик ҳолат жабрдийдаларига маънавий ва моддий мадад мақсадида ўтказилган тадбирлар салмоқли.

Хўш, маърузада ташкилотнинг мусбат ва манфий томонлари тўлалигича санаб ўтилдими? «Ҳа» десак, ўзимизни алдаган бўламиз. Чунки, музокараларда сўз айтган нотиқлар фақатгина ҳамду сано ўқиш, ютуқларни бўрттириш, ташкилот фаолиятини «қониқарли» баҳолаш билан минбарни тарк этмадилар. Уларнинг съезд қатнашчиларига, шу ерда ҳозир бўлган барча даражадаги раҳбарларга айтадиган оғриқли дардлари, муаммолари талайгина эди.

Чидам билан уларга ҳам қулоқ осайлик. Зеро, ташкилотнинг эртанги тақдирини ортиқча мақтовлар эмас, камчиликларнинг аёвсиз саваланиши, муаммоларнинг дадил кўтарилиши белгилайди.

Мўйноқ ЁИ қўмитаси саркотиби Бахтбой Мамбетмуротов: «Орол денгизига эътибор сўнгги пайтда тўхтаб қолди. Бу борада бирор қўмита йўқ ишлаётган. Денгиз бўйидаги экологик аҳволни мўътадиллаштириш учун хориждан ва бошқа ҳайриядор ташкилотлардан фалонча маблағ ажратилди дейишади-ю, шу маблағларнинг қаерга кетаётганини ҳеч ким билмайди. ...Биринчи котибларнинг ойлик маоши боғчада олти соат ишлайдиган тарбиячиникидан-да оз. Ёшларимизнинг йигирма фоизи ҳарбийга яроқсиз. Бу рақам йил-йилдан ошиб бораверади. Ахир ёшлар билан бизлар шуғулланамиз-ку!»

Чиноргул Фахриддинова — «Қорақалпоқ ёшлари» газетаси Бош муҳаррири: «Ёшлар ташкилоти ишлари кўзгуси бўлмиш газеталар сўнгги йилларда кўплаб ўқувчиларини йўқотди. Биз шу масалаларда ноҳия ҳокимларига хатлар жўнатгандик. Масалан, газетамизнинг Амударё туманида тўққиз нафар муштарийси бор холос. Биз мурожаат қилган ҳокимлар ҳатто жавоб хати ёзишни ўзларига эп кўрмадилар. Газетамиз «Туркистон»дан кейин ёшларнинг иккинчи расмий органи саналади. Республика ЁИ Марказқўми бизга ҳам ёрдам қўлини чўзса. Шунингдек, ишларимизни яхшилаш учун ўзаро мухбирлар тажриба алмашуви йўлга қўйилса...»

Нукус автомобиль йўллари билимгоҳи ёшлари етакчиси Қамбар Раҳимбоев: «Биз ҳукумат органларидан ақча сўрамаймиз, хона сўрамаймиз, машина сўрамаймиз. Фақат ёшлар етакчиларига ҳоким муовини мақоми берилса, ишнинг таъсирчанлиги ошарди, деб умид қиламиз. Ёшлар қонун ишлаб чиқаришда қатнашиши керак деймиз-у, республика Юқори Кенгашида бирорта ҳам депутатимиз йўқ. Шунинг учун ҳам мен янги қабул қилинаётган Конституцияга ёшлар борасида алоҳида бўлим киритилишини таклиф қиламан...»

Дарвоқе, ҳали съезд кун тартибини муҳокама қилаётган пайтда унга яна бир масалани — Қорақалпоғистоннинг янги Конституциясига таклиф ва ўзгартиришлар киритишни кун тартибига қўйишни таклиф қилган ҳам Қамбар эди. Шундан сўнг музокарада қатнашган йўлдошлар бир қатор таклифларни ўртага ташладилар. Ана шу таклифларни ва 9 апрелда бўладиган Юқори Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш борасида съезд қарор ҳам қабул қилди. Бу борада бир оз тортишувлар ҳам бўлдики, ҳатто шу юзадан республика Юқори Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков қўшимча тарзда сўз олишга мажбур бўлди.

Энди музокарачиларнинг сўзларида давом қиламиз.

Адолат Маткаримова — Амударё туманидан муаллима, ЁИ қўмитаси собиқ котибаси: «Ресқўм бир қараганда яхши ишлаяпти. Аммо, у «жим» ишлаётгандай таассурот қолдиради. Бизгача таъсири етиб бормаяпти. Резервларимиз бўлмиш ёшлар мактабда-ё, у ердаги етакчиларимиз штатлари қисқариб кетди. Бир вақтлар ноҳияқўмларда ўн беш нафар ходим ишларди, ҳозир тўрт нафар қолишди. Иш ҳажми эса ўша-ўша. Ҳисобот даврида ресқўмнинг уч нафар биринчи котиби тез-тез ўзгаришди. Сабаби нимада? Ёки ёшларни ҳарбийга кузатиш вақтида шу қадар кўп елиб югурамиз-у, кейинги тақдирлари билан мутлақо ишимиз йўқ. Ҳарбийдан ёшлар қочиб келишяпти, ҳатто майиб-мажруҳ бўлиб қайтишяпти. Бу билан биз шуғулланмаймиз. Жўнатсак бўлгани.

Мактабларда ўқитувчиларга тоифа беришди. Узоқ йил комсомолда ишлаб қайтган муаллимга оддий мутахассис тоифасини беришади. У билан тенг олийгоҳни тугатиб, мактабда ишлаётган ўқитувчига эса олий тоифани. Бу ҳолда ёшлар ташкилотида ишлашга ким ҳам рози бўларди?»

Хўжамурот Қаипназаров — Нукус туман ЁИ қўмитаси биринчи котиби: «Юқори ташкилотлардан пул маблағлари ажратилди дейишади, ҳатто қайси районга қанча берилганини шу районнинг биринчи котиби ҳам билмайди. Съезд Марказқўмнинг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматов иштирок этаётганидан фойдаланиб айтмоқчи бўлган таклифим: Ўтган даврда ташкилотларнинг бир қатор бўғинларида мол-мулкни, хизмат машиналарини ўзлаштириш, талон-тарож қилиш ҳоллари содир бўлди. Шу юзадан нуфузли комиссия тузиб, масалани одилона ҳал қилишингизни сўрардим!»

Неъматжон Оллоберганов — Тўрткўллик делегат: «СССР ўлди-ю, ёшларнинг «Артек»дам олиш манзилгоҳи ҳам барбод бўлди. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро иқтисодий, маънавий, маърифий алоқалари концепцияларидан келиб чиқиб, шу ҳудуддаги Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари ҳамкорликда ўзимизнинг «Артек»ни яратишлари керак, деб ўйлайман. Ахир бизда ҳам, Қозоғистон, Қирғизистон ҳудудларида ҳам хушманзара жойлар кўп-ку!

Вилоят кенгаши ноиби Аброл Жумашевиң форишликлар жуда яхши биладилар. У сайловчиларининг талаб ва истакларини ўз вақтида қониқтиришга ҳаракат қилиши, сайловчиларига қайишиши билан ҳам эл назарига тушган. Аброл аканинг асли касби чўпонлик. Айни кунларда у бош чўпонлик қилаётган отарда қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Сиз кўриб турган сурат Форишнинг Карл Маркс давлат хўжалиги адирларида тасвирга туширилган. Суратдаги йигит эса — Лутфулла Жумашев. Аброл аканинг ўғли. У ҳам ота изидан бориб чўпонлик касбини эгаллаган.

Суратказш: Умарали ҚУШВОҚОВ.

КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Автомобиль транспорт давлат акционерлик корпорацияси раҳбарияти, тармоқда меҳнат қилган фахрийларнинг ишчи-хизматчи ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув корпорация бошқаруви раиси Л. Ахметовнинг ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида корпорациянинг барча тармоқларида амалга оширилаётган тадбирлар, республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқ турмуш равнақи учун фаол меҳнат қилаётган ёшларнинг ушбу иқтисодий ислоҳотларда тутган ўрни ва вазифалари ҳақида сўз юритилди.

Учрашувда корпорация бошқаруви раиси Л. Ахметов маъруза қилди.

Маърузачи ўз нутқида Республикамиз Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» китобига асосланган ҳолда ўз тармоғида биринчи галда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар ва иқтисодий ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Учрашувда бир қатор йигит-қизлар меҳнатдаги муваффақиятлари ва халқ хўжалиги иқтисодиётига қўшаётган ҳиссалари учун Фахрий Ёрлиқ ҳамда ойлик маошлари миқдорида пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Р. АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ЁИ Марказқўми бўлим мудири.

Хотира

Қалби беғубор эди

Ёзувчи ва адабиётшунос олим Илҳом Ҳасан кўп мушоҳадали ҳикоя, қисса, илмий-танқидий, публицистик мақолалари билан кўпчиликка танилиб қолганди. Тақдир экан, ижоди айни гуллаган бир пайтда бевақт ажал олиб кетди. У нашр эттиришга улгурган «Кенг уйнинг келинчаги», «Ялпиз ҳиди» китоблари ҳамда эълон қилинаётган асарлари ҳамон адабий жамоатчилик ўртасида шов-шувларга сабаб бўлмоқда.

Илҳом Ҳасан аввало юксак қалб, нозик дид эгаси эди. Қуйидаги лавҳалар унинг қисқа, аммо мазмунли ҳаётидан олинган.

ШЕЪР ЁЗМАСДИ, ДЕЕЛМАЙСАН...

1980 йил «Ёш ленинчи» газетаси қошидаги адабий уюшманинг бир машғулотида Илҳом ака ҳам қатнашганди. Ўшанда икки ҳаваскорнинг ҳикоя ва шеърлари муҳокама қилинди. Мунозарада ҳал қилувчи баҳони Илҳом ака берди. Ижодкорларнинг кўнглига оғир ботмайдиган қилиб, асарларининг юзаки, ҳаёт ҳақиқатига мутлақо тўғри келмаслигини шундай исботлаб бердики, унинг ақлу фаросатига барча ҳайрон қолди. Асарлари муҳокама қилинаётган «ёзувчилар» қолиб, Илҳом ака суҳбат марказига айланди. Шунда бир қиз туриб, сиз шеър ёсангиз керак, ижодингиздан намуна ўқиб беринг, деди.

— Мен фақат шеър ихлосмандиман, — дея камтарлик қилди Илҳом ака, — Мен ўқиётган Самарқанд дорилфунунида ҳам «Шалола» адабий уюшмаси бор. Тўғрисини айтсам, бизда мунозаралар жуда жонли ўтади. Бирор асарни муҳокамага қўйиш учун асар муаллифи шу уюшма аъзоси бўлиши шарт эмас. Муҳокамадан мақсад, «пиллапоя»дан бир поғона бўлса ҳам кўтарилиш. Яқинда Маҳбуба Ҳамроева деган қизнинг шеърларини муҳокама қилдик. Истасангиз, унинг бир шеърини айтиб бераман.

Илҳом ака шоиранинг «Қалам» деган шеърини босиқ, аммо ёқимли овозда айтди. Шеърда лирик қаҳрамон йўлдан қалам топиб олади. Шу қалам баҳона кескир тафаккур, жўшқин туйғулар силсиласида оқади. У тахминан «... балки, нуноқ бир шоирнинг қалам йўқотгани яхши бўлгандир» деб якунланарди.

Илҳом акани шеър ёзмасди, деб бўлмасди. Чунки, у жуда кўп шеър биларди. У кимнинг шеърини айтса, ўша шоирнинг иқтидорини яққол ҳис этардингиз. Яъни, яхши шоирнинг энг гўзал шеърини танлаб айтарди. Бундан ташқари, Илҳом ака, юқорида эслаганимиздек, умидли ижодкорларнинг бағри кенг тарғиботчиси ҳам эди!

ҚАМТАРЛИК

— Қишлоғимиз ёшларидан ижодкорликка даъвогар бир хил номдаги тўрт нафар Илҳом бор, — деди Илҳом Ражаб бир суҳбатда. — Агар Илҳом Ҳасан ёзувчи бўлиб етишмаганда, биз ҳам унга эргашмаган, бошқа бир даромадли иш билан шуғулланган бўлармидик?

— Қайси биримиз номимизга содиқ бўларканмиз, — ҳазиллашган бўлди Илҳом Зоиров.

— Бир қишлоқда, бир хил номдаги тўрт нафар ижодкорнинг етилаётганлиги бу ҳали жуда кам, — деди кулиб Илҳом Ҳасан. — Қанийди, ижодкорлар сони бутун қишлоқ аҳли сонига тенг бўлса? Улар шундай даражаларга эришсаларки, биз ижодкор саналмай қолсак?

Илҳом ака эзгулик кутиб яшарди...

Илҳом АҲРОР.

ТАҲРИРИЯТДАН: Илҳом Ҳасаннинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳар жиҳатдан ибратга лойиқдир. Аммо унинг номини абадийлаштириш борасида ҳануз кўзга кўринарли иш қилингани йўқ. Бугун кейинги ўзгаришлар натижасида Бухоро вилояти ва у туғилиб ўсган Шофиркон туманида янги мактаблар, кўчалар ва ижодий ташкилотлар бунёд этилмоқда. Қанийди, уларнинг бирига Илҳом Ҳасаннинг номи берилса. Бундан раҳматлининг руҳи ҳам шод бўлган бўлур эди.

Талабалар Фарғонада учрашадилар

«Талабалик даврининг ўзи байрам! Яна нимани нишонлашар экан» дейишингиз мумкин. Ростдан ҳам киши ҳаётининг энг жўшқин, ҳиссиётлару янгиликларга бой, ҳар дақиқаси дўст-биродарлар, ҳамфикрлар орасида ўтадиган йиллар — талабалик даври шубҳасиз. Унинг завқи ўзгача. Умр ўтиб, ортга ўгирилиб қарасангиз ҳам ўша ёшлик вақтини ўзгача энтикиш билан ўйлайсиз. Баъзан вақтнинг қадрига етмаганингиздан, кунларингизни беҳуда сарфлаганингиздан бироз кўнглингиз чўкар. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам — ёшлик, талабалик қайтарилмас бахт.

Сўнгги вақтлар олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга эътибор кучайди. Ҳукумат, турли вазирликлару корхоналар томонидан ёшларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, илм даргоҳларини эса энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Лекин муаммолар ҳам ўзига яраша бор. Ана шуларнинг бари-бари ҳақида 3—8 май кунлари ўтказилажак «Талабалар баҳори» фестивалида фикр юритилади. Ушбу анжуман манзилгоҳи — Фарғона шаҳри. Ташаббускорлар — Фарғона Политехника институти талабалари.

— Вилоятимиз ёшлари ҳар йилнинг ёз фаслида талабаларнинг фестивалини ўтказишни анъанага айлантирганлар. Ушбу тадбир давомида биз, вилоят Ёшлар Иттифоқи ходимлари талабалар ҳаёти билан боғлиқ бўлган муаммо ва камчиликлардан огоҳ бўлардик, — дейди Фарғона политехника институтининг Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби Иброҳим Ҳамдамов. — Фестивал яна турли истеъдодларни кашф қилишимизга ҳам ёрдам берарди.

Энди ана шундай тадбирнинг вилоятимиз даврасидан чиқиб, бутун республика бўйлаб оммавийлашиши бизни бениҳоя хурсанд қилди. Ўзбекистон талабаларининг фестивалини ўтказиш ташаббуси билан чиққан илм даргоҳимизнинг йигит-қизлари эндиликда тенгдошларини кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

АНЖУМАНГА республиканинг барча вилоятларидан вакиллар келади.

Фестивалнинг беш куни жуда қизиқарли дастур асосида ўтади. Турли корхона, ташкилот, фабрика ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида талаба-ёшларнинг учрашувлари бўлиши кўзда тутилмоқда. Тошкент — Фарғона олий ўқув юртлари жамоаларининг «Қувноқлар ва зукколар» танлови, илмий-амалий анжуман, спорт мусобақалари ўтказилиши мўлжалланган.

«Талабалар баҳори» фестивалининг ҳомийларини ҳам эслатиб ўтишни жоиз топдик. Булар: Ўзбекистон талабалар жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Фарғона Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси, вилоят матлубот жамияти, «Ёшлик» савдо-тижорат ишлаб чиқариш фирмаси, Ўзбекистон касаба уюшмаси федерацияси, Фарғона вилоят ҳокимлиги.

Ҳуллас, тез кунлар ичида Ўзбекистон талаба-ёшларининг илк анжумани Фарғонада иш бошлайди.

БИР ЛАҲЗАСИ

Қуриб бораётган денгизга жаҳон жамоатчилигининг назарини қаратиш мақсадида шу йил ёз ойларида Мўйноқ шаҳрида «Оролни сақлаб қолайлик!» шиори остида халқаро ёшлар анжумани ўтказишдек савобли ишга Марказқўм бош қўшса...»

Шу ўринда яна бир марта чекинамиз. Ўртага ташланган таклиф жуда ўринли ва долзарб. Шунинг учун ҳам Марказқўм саркотиби А. Орзиматов бу масалага алоҳида тўхталиб, мазкур борада съезд қарорини Марказқўм кўриб чиқажаги ва имкон даражасида шундай тадбирга бош бўлишини билдирди.

Музокарага йигирма уч киши ёзилган экан. Шулардан ўн [illegible] нафари сўзлади. Залда «эркин микрофон» ўрнатилганди. Аммо, негадир ҳеч ким ундан фойдаланмади.

Ҳисобот маърузасида Ўзбекистон комсомолининг муқаддам бўлиб ўтган съездида Орол минтақасига ёрдам тариқасида уч миллион сўм ёрдам пули ажратиш ҳақида қарор қилингани, аммо шу маблағ ҳалиям тўла ажратилмагани айтиб ўтилганди. Ўтган даврда мазкур ёрдамнинг бир миллион 300 минг сўми берилган.

...Съезд бинойидек давом қилди. Танаффус арафасида бир гуруҳ ёшларга ЕИ аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Съезд ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолиятини бир овоздан «қониқарли» деб топди. Шунингдек, ташкилотнинг Ҳаракат дастури ва Низоми қабул қилинди. Бу сайловларда ҳеч ким «қарши» чиқмади, «бетараф» қолишни маъқул кўрмади.

Фақат, ҳаммаси овозга қўйилиб бўлингач, Нукус шаҳар ва Беруний ноҳиякўмларининг биринчи котиблари Низомдаги ноҳиякўм ташкилотлари тушган аъзолик бадалларидан 10 фоизгача ресқўм ҳисобига ўтказиб беришлари кераклиги ҳақида бандга қаршилик билдиришди. Қаршилар Низомнинг олдин тарқатилган лойиҳасида айнан шундай банд йўқлиги, бугун қўлларига тарқатилган лойиҳада эса «пайдо бўлиб» қолганини айтишиб, бошланғич ташкилотларда бу масалани муҳокама қилиш ва кейинги пленумда ҳал қилиш таклифи билан чиқишди. Тортишув кескин тус олмади. Кўпчилик биринчи котиблар «10 фоизлик солиқ»ни маъқуллашди.

Худди шу масалада Республика Юқори Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков яна сўз сўрашга мажбур бўлди. Ёшлар ташкилоти етакчилари бу масалани биргаликда ҳал қилишлари керак, деди у. Фалон ташкилот фалон фоиз, фалон ташкилот эса бунча фоиз берсин, дейиш билан норозилик келиб чиқиши мумкин. Фақат келишув билан иш тутилса. Худди шу ўринда республика раҳбари негадир собиқ СССРнинг тарқаб кетиши, КПСС ҳалокатини мисол қилиб келтирди...

Съезд қирқ беш нафардан иборат ресқўмнинг янги таркибини ва 9 кишилик тафтиш комиссияси таркибини сайлади.

Анжуман яхши ўтди. Фақат шуни баҳолаш демайлик. Эътиборга лойиқ ўринларга урғу берса арзийди. Съезддан бир кун аввал меҳмонхонада қозоқ йигити билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Қозоғистон Республикаси Манғишлоқ вилояти Ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби Сағдулло Туленов съездга таклиф қилинган. Умуман, қўшни Қозоғистон билан ўзаро борди-келдилар яхши йўлга қўйилган. Сағдулло "19—24 апрель кунлари Олма-Ота шаҳрида бўлиб ўтадиган оқинлар танловига қорақалпоқ биродарларини таклиф қилиб келибди. Шунингдек, яқин фурсатларда икки халқ ёшларининг дўстлик фестивалини ўтказиш режаси бор. «Биз Орол денгизининг қирғоқларида яшаётган қардош халқлармиз. Тақдиримиз бир. Шу боисдан минтақа ёшларининг ўзаро ҳаракатларини, ҳамдўстлик ришталарини узвий тарзда, доимий боғлашимиз зарур. Бирлашган енгади, деган нақлга амал қилайлик».

Яна бир урғу — ресқўмнинг собиқ биринчи котиби Лепесбой Шербоев ва собиқ ходими Пўлат Жуманазаровлар съезд ўтказилиши учун ҳар бири 50 минг сўмдан ёрдам пули ўтказишган. Куни кеча шу ташкилотда ишлаган, унинг ҳозирги оғир иқтисодий аҳволини биладиган ва шундай пайтда моддий қўллаб-қувватлашни ўз бурчи деб биладиган бундай ишбилармон ёшларга қанча раҳмат айтсак-да оз. Шу боисдан уларга А. Орзиматов мақтов ёрлиқлари топшираётган пайтда залда гулдурос қарсаклар янграб кетди.

Энг асосий урғу — республикада ёшлар ташкилотига раҳбарларнинг эътибори. Мазкур съездда Қорақалпоғистон Республикаси Юқори Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков, республика Вазирлар Кенгашининг раиси Ражаббой Йўлдошев, Юқори Кенгаш раисининг муовинлари, Нукус шаҳри ҳокими Шароф Уснатдинов, республикадаги барча вазирликларнинг ва бошқа ҳукумат идораларининг бошлиқлари иштирок этишди.

Республика раҳбари У. Аширбеков уч марта сўзга чиқди. Саволларга жавоблар қайтарди.

Шунингдек, съезд ишида республика комсомол ташкилотларида узоқ йиллар ишлаган унинг фахрийлари ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми саркотиби А. Орзиматов сўзга чиқди ва комсомол фахрийларига, бир гуруҳ фаолларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Съезддан кейин бўлиб ўтган биринчи ташкилий пленумда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон республика қўмитасининг биринчи котиблигига яна бир овоздан Кўптилов Низомитдинов сайланди. Котибликка Ўрингул Таубоева маъқул кўрилди. Шунингдек, тўққиз нафар фаолдан иборат бюро таркиби ҳам сайланди.

Шундай қилиб, қорақалпоқ ёшлар ташкилоти ўзининг навбатдаги довонини ортда қолдирди. Бир қарашда булар ҳаммаси «тарихий» атамасила улуғланаётган, буни таъкидлаётганлар фаҳр туйғуларини ошкора билдираётган бўлсаларда — ҳозирда эҳтиросларни йиғиштириб қўйиб, жиддийроқ ўйлаб кўришга тўғри келади. 180 минг нафарга яқин ёшни бирлаштирган нуфузли ташкилотнинг обрўси ўтган даврда бир қадар тушиб кетгани ҳам инкор қилиб бўлмайдиган далил. Буни музокарачилар бир неча марта такрорлашди. Айниқса, юқори ташкилотдан маблағ сўраш «касаллиги» нотиқлар сўзларида кўпроқ ўрин эгаллади. Ҳар ким ўз аравасини ўзи амал-тақал тортаётган ҳозирги шароитда тепага боқиб ўтираверишь ҳам инсофдан эмас. Имконларни тўла ишга солиш, йўқ ердан бор қилишга ўрганиш пайти ҳозир. Маълумки, Қорақалпоғистонда ер ресурслари чекланмаган. Нукус ва Қўнғирот туманларида тажрибадан ўтган экин майдонларини шартнома асосида олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш ҳам соф даромад манбаидир. Айтиш жоизки, айрим ташкилотлар ҳозирда худди шу йўл билан ишлаб топилган маблағ ҳисобидан ўз ходимлари ойлик иш ҳақларини бермоқда.

Ёшлар марказлари фаолиятини ривожлантириш, хўжалик ҳисобидан кичик корхоналар очишни ташкил этиш керак. Айни пайтда экологик ҳалокат минтақаси тарзида ҳудудга четдан катта миқдорда ёрдам берилаётганидан фойдаланиб, иқтисодий алоқаларни йўлга солиш, ишбилармонлик билан машғул бўлиш ҳам фойдадан холи эмас. Фақат аъзолик бадаллари тўплаш ва шу ҳисобдан тирикчилик ўтказиш — ташкилотнинг инқирозини муқаррар яқинлаштиради.

Бу гапларни шунинг учун ҳам таъкидлаяпмизки, Қорақалпоғистон Республика ташкилотида ана шу имконлар мавжуд. Ишлайдиган, қобилиятли, фидойи ёшлар кўп. Ташаббускор етакчилари талайгина. Фақат уларнинг бошини қовуштириш, биргаликда ҳаракат қилиш талаб қилинади. Худди ана шу машаққатли ва фахрли иш Кўптиловнинг зиммасига тушди.

Тарихнинг жуда арзимас бир лаҳзасида бўлиб ўтган бу съезд ёшлар ташкилоти саҳифаларига албатта мангу ёзилади.

Биз эса шу лаҳзаларнинг гувоҳи сифатида сўнгги сўз ўрнида ёшлар етакчиси КЎПТИЛОВга кўп тиловлар айтгимиз келди.

Бу тилакларимиз эзгу, самимий, дўстона.

Съезддан кейин ўз хонасига қайтиб, дастлабки иш кунини бошлаган Кўптиловнинг дастлабки имзоси Қорақалпоғистон ёшлар ташкилотининг янги саҳифасидан дарак беради. Тасодифми, эътиборсизликми худди шу пайтда унга девордан «доҳий» Ленин термулиб турган бўлади. Мустақилликнинг иккинчи йилида ҳам ёшлар етакчисининг ишхонаси деворида виқор ва муғомбирлик билан боқиб турган бу суратни... аввало тарих жамодонига улоқтириш ва ана ундан кейин дадил ишга киришиш керакмикан?

Ишқилиб, Кўптилов бу тилагимизни тўғри тушунса бўлди.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Рўзимбой ҲАСАН,
«Туркистон» махсус мухбирлари.



Маҳалла—тарбия маскани

«ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ЖАМОАТЧИЛИК ЎРНИ»

ЎТГАН пайшанба куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-Чарх-камолон маҳалласи чойхонасида ўтган иккинчи давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази, республика телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан уюштирилган бу мулоқотда диний ташкилотлардан вакиллар, маҳалла оқсоқоллари, онахонлар, мураббийлар, ёзувчилар, олимлар, маданият ходимлари ва ёшлар қатнашдилар.

Мулоқотни Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов қисқача кириш сўзи билан очди. Бу йиғилиш ёшлар тарбиясига бағишланиб, шу йил 9 февралда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қўмитаси мажлислар залида ўтган биринчи давра суҳбатининг узвий давоми эканлигини, йигит-қизларнинг таълим-тарбияси шу куннинг энг долзарб масаласи эканлигини таъкидлаб ўтди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукур Темуров ёшлар тарбиясида оила, маҳалла, ота-она ибрати, жамоатчилик роли ҳақида батафсил тўхталди. Ёшлар таълим-тарбияси жиддий масала. Бу соҳада белгиланган бирор бир тадбир қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Республикамиз Президенти ҳам бу соҳага катта эътибор, ғамхўрлик ва жонкуярлик кўрсатаётганлиги бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистн халқ ҳофизи Очилхон Отахоновнинг ёқимли ашуласи йиғилиш аҳлларига роҳат бахш этди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, дилдан суҳбат ёқимли ашулаларга ҳамоҳанг тарзда алмашиниб туриши даврага ўзгача файз ва тароват бахш этди.

Маҳалла — тарбия ўчоғи. Лекин қизил салтанат даврида у ўз қадри-қимматини топмади. Бунга йўл қўйилмади ҳам. Мустақиллик туфайли азалий урф-одатларимиз, қадриятларимиз тиклана бошланиши шарофати билан ўз ўрнини олаяпти.

— Бир болага маҳалла етти хонадонининг отахони ва онахони ота-она деб бежиз айтишмаган, — деди 1-Чарх-камолон маҳалласида истиқомат қилувчи, профессор Ойшахон Тўраева. — Маҳалламизда сўнгги вақтларда бирорта ҳам ёш оиланинг ажралиши, ёшларнинг жиноят содир қилиши қайд қилинган эмас. Киройи келинни истовчилар шу маҳалладан қиз излашади.

Бунинг боиси маҳалла жамоаси ёшлар таълим-тарбияси билан бир ёқадан бош чиқариб киришишган. Тарбия аввало оиладан бошланиб, мактаблар билан амалий алоқа яхши йўлга қўйилган. Бу ерда истиқомат қилувчиларнинг фарзандлари Чилонзор туманидаги тўртта мактабда таълим-тарбия олишади. Маҳалла оқсоқоллар кенгаши, хотин-қизлар ишлари комиссияси эса ҳамиша фаол. Бу ҳақда шу маҳалла қўмитаси раиси, Тошкент иқтисодиёт университетининг ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Тўлқин Йўлдошев батафсил сўзлаб берди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ишлар бош бошқармаси бошлиғи Рустам Хўжаев маҳаллаларда кўчма кутубхоналар ташкил қилиш, адиблар ва шоирлар, олимлар билан учрашувлар ташкил этиш, республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Дилбар Ғуломова йигит-қизларга билим бериш, Ватанимиз тарихини, маданиятини ўргатиш муҳимлиги хусусида тўхталди. Ҳозир маънавий етук ёшларни камол топтириш дастури ишлаб чиқилаётганлигини айтиб ўтди.

Етмиш баҳорни қаршилаган Сожида ая Зуфарова пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидагиували-жували онахонлардан бири. Онахон 12 ўғил-қизни камол топтирган. Унинг 8 келин ва 4 куёви, 34 невара ва 2 чевараси бор. Энг қизиғи шундаки, онахоннинг барча фарзандлари ва етти келини шифокор. Улар халқимиз саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб келишаяпти.

Чилонзор туманидаги 114-мактабнинг директори Мастура Убайдуллаева мактабда ўғил-қизларга миллий қадриятларни сингдириш, одобномани ўқитиш, жисмоний тарбияни миллийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ёшларда миллий ифтихор ва миллий ғурурни камол топтиришда газета ва журналларнинг роли катталигини таъкидлаб ўтди.

Мулоқотда шоир Нормурод Нарзуллаев ёшлар тарбиясининг оиладан бошланиши ҳақида гапириб, ўз шеърини ўқиб берди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев, хонанда Марямхон Сатторова ўз ёқимли ашулалари билан қатнашчиларга маънавий руҳ, кўтаринки кайфият бағишлашди.

Мулоқотда ёшлар тарбиясига доир бошқа масалалар, шу жумладан, қадриятларимизни кўрсатувчи кинолар, бадиий асарлар яратиш зарурлиги ҳам таъкидланди. Хуллас, мулоқот қатнашчиларида яхши таассурот қолдириши билан биргаликда, маҳаллаларда келгусида ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи фаоллар учун яхши йўл-йўриқ берди, деб айтиш мумкин.

Карим РАҲИМ.

СУРАТЛАРДА: мулоқотдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН суратлари.

Акс-садо

«Даражалар керакмикан?»

(20 ФЕВРАЛЬ, 1993 ЙИЛ, «ТУРКИСТОН»)

Мен ҳурматли доцент А. Рўзметовнинг «Даражалар керакми?» номли мақоласини ўқиб, қуйидаги фикрларимни билдиришни истадим:

Ўтган йили 31 мартда ташкил топган Олий Аттестация Комиссияси ҳозирги пайтга келиб ўзининг фаолиятини бошлади. Авваламбор, эксперт (ҳакам) Кенгашлар тузилиб, ихтисослашган Кенгашларни тасдиқлашга киришди. Бу ўринда доцент А. Рўзметов Шўролар даврини эслатиб, ОАКни танқид қилади. Аслида бундай эмас. Ўзбекистон давлати ОАК ўз мустақил йўлига эга. Бўлимлар, ихтисосли ҳакамлар, кенгашлар, Ўзбекистон ва ҳамдўстлик, Марказий Осиё давлатлари илм-фанининг тараққийси, жаҳон қатламига олиб чиқиш учун курашмоқда. ОАК мутлақо янги ташкилот. У 2—3 йил фаолият кўрсатгандан кейин, ғалвирни сувдан кўтариш, яъни Шўролар тажрибасими ёки илғор мамлакатлар тажрибасими, ўзи маълум бўлади қолади.

Мақола муаллифининг жаҳонда ҳимоя бир марта бўлади, яъни докторантура йўли билан сўнгра профессорлик унвони берилар эмиш, деганига қўшилиб бўлмайди. Аслида бундай эмас. Мисол учун Токио университети тизимини олайлик. Университетни битириб, илм соҳиби бўламан деган шахс аввал стажер тадқиқотчи бўлиб камида 2—4 йил, маълум босқични ўтагач, улкан илмий йўналишига қўл урилади. Яъни докторант-тадқиқотчи бўлиши — ҳимоядан кейин доцентлик лавозимини олишади. Фақат 2—3 йўналишни эгаллагандан кейингина профессорлик унвонига эга бўлади.

Сиз, ҳурматли ҳамкасб, Ўзбекистон ОАКини беўрин айбламаяпсизмикан? Боиси, аввало номзодлик, сўнгра докторлик диссертациялари ҳимояларидан кейин ўша ҳимоя қилган шахс етилиб, пишиб — фаннинг профессорига айланиши мумкин. Профессор — бу илм-фаннинг олий унвони. Демак, унга эришиш учун бир умр ўша фаннинг фидойиси, билимдони, жаҳон тан оладиган китоблари муаллифи бўлмоғи керак.

Ўзбекистон ҳукумати шу ўқув йилидан бакалавр ва магистр таълимига ўтиш учун бир қатор тадбирларни белгиламоқда. Етакчи олийгоҳларда режа-дастурлар ана шу янги тизимга қараб тузилмоқда. Бундай ўқитиш тизими аста-секин амалга оша боргандан кейин, сиз таклиф қилган ягона ҳимоя (докторлик) ва сўнг илмий унвонлар бериш, яъни доцентлик, профессорлик лозим кўрилар?! Демак, у пайтда етакчи олийгоҳ ҳимоя қилган шахсга, унинг иқтидори, билими, илм-фанни нечоғлик билишига қараб ё доцентлик ёки профессорлик унвонини тақдим қилиши мумкин. У ҳолда олийгоҳ илмий кенгашининг қарори охирги чегара бўлиб, мазкур шахс Кенгаш қарорига кўра, доцент ёки профессор бўлиши мумкин. Ҳозир-чи? Ўзбекистон давлати ОАК фаолиятини мутлақо инкор қилмаган ҳолда, у олиб бораётган ижодий ташкилотчилик, илм-фанни тараққий қилдиришга бўлаётган уринишларини табриклаш керак. Сўнгра эҳтимолки, молиявий ҳамда назорат қилувчи органга айланар. Бироқ, ҳозирги жўшқин изланишларини оёқости қилиб, ҳечга чиқармайлик!

Номзодлик минимумларига келсак, «эски тизим»дагидай бўлгани маъқул: Шарқ ва жаҳон фалсафаси, чет тилларидан бири (кўпроқ Шарқ тиллари) ва ихтисослик бўйича. Менимча, «қўшимча» фанларни топшириш шарт эмас. Чунки кандидатлик илмий даражасини олган олим ҳаётий тажрибалар ила ҳамма фанларни етарлича билади.

К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **МОСКВАДА** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳозирги даврда аёллар муаммолари муҳокама этилди.

● **ПЕТРОДВОРЕЦК** соатсозлик акционерлик корхонаси Нурсултон Назарбоевнинг сурати туширилган соатларни буюртма асосида ишлаб чиқарди. У харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Эндиликда корхона Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов сурати туширилган соатларни ишлаб чиқармоқчи.

● **РОССИЯДА** ёзувчиларнинг аҳволи ачинарли аҳволда. Иқтисодий қийинчиликлар, аянчли ҳаёт тарзи истеъдодли қалам соҳибларини тушкунликка солиб қўйди. Ҳатто дунёга таниқли бўлган адиб Леонид Леоновнинг ҳам оддийгина яшаши учун маблағи қолмаганлиги ачинарлидир. Ёзувчилар ўртасида ҳаётдан эрта кўз юмувчилар олдинги йилларга қараганда икки-уч ҳисса ортиқдир. Бу ҳақда «Правда» газетаси ўтган шанба сонида хабар берди.

● **РОССИЯ** Федерациясининг давлат чегараси қанча экан, деб ўйларсиз? У 58.562 километрга тенг.

● **КУБА** билан Эрон «эришилган сиёсий муносабатлар даражасига мувофиқ икки томонлама савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш»дан манфаатдордирлар, деди Куба давлат иқтисодий ҳамкорлик қўмитасининг раиси Эрнесто Мелендес.

У Куба—Эрон ҳукуматлараро иқтисодий ҳамкорлик аралаш комиссиясининг навбатдаги сессияси очилишида гапириб, музокара якунида қанд-шакар ва нефть саноати, дори-дармон ишлаб чиқариш ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳаларида аниқ натижаларга эришиш зарурлигини таъкидлади.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА** «Ҳозирги дунёдаги гўдак» мавзуида халқаро конференция очилди. Санкт-Петербург давлат университети билан А. И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетининг ташаббусига биноан ўтказилаётган бу конференция 24 апрелгача давом этади. Унда муаллимлар, руҳшунослар, олимлар иштирок этишади.

● **МОСКВАГА** қисқа муддатли амалий ташриф буюрган Швеция Ташқи ишлар вазири Маргарета Афуглас хоним бугун Россия раҳбарлари билан учрашди. У энди жанубдаги мамлакатларга йўл олиб, Оврўподаги ҳамкорлик ва хавфсизликка бағишланган мажлис раиси сифатида яқинда умумевропа жараёнига аъзо бўлган Осиёдаги бешта давлатга сафар қилади. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонда бўлади. Ҳарбий ва сиёсий масалалар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг катта бир гуруҳи ҳамроҳлик қиляпти.

● **АҚШ** ҳукумати Қирғизистонга 55 минг тонна буғдойни ёрдам тариқасида беришга қарор қилди. Унинг баҳоси 10 миллион доллардир.

● **АМРИҚОНИНГ** «Юниверсал Эдикейшн ЛТД» фирмаси бизнесни юритиш соҳасида Ўзбекистон учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ёрдам беришни таклиф этди.

Бу фирма ўзбекистонлик мутахассислар учун ўзининг Нью-Жерси бизнес мактабида курс очади. Юртдошларимиз у ерда маркетинг, менежмент, банкшунослик, халқаро савдо-сотиқ, брокерлик фаолияти асосларини ўрганадилар. Мактабда АҚШнинг Нью-Йорк, Гарвард ва бошқа университетларининг мутахассислари, Амриқодаги йирик компанияларнинг маслаҳатчилари дарс берадилар.

● **БИРЛАШГАН** Миллатлар Ташкилоти Озарбайжондаги қочоқларга моддий ёрдам беришга киришди. Дастлабки самолёт Туркия орқали Бокуга етказилди. Унда қочоқлар учун зарур бўлган палаткалар, иссиқ адёллар ва бошқа зарур ашёлар бор. Шу ҳафтада ҳар куни етти марта ана шундай юклар Бокуга етказиб берилади.

ЎСИШ ТЕЗЛАШАДИ

Жаҳон банкининг мутахассислари «Дунёнинг иқтисодий истиқболлари ва ривожланаётган мамлакатлар» деган навбатдаги йиллик маълумотномасини эълон қилди. Унда айтилишича, келгуси ўн йил мобайнида ривожланаётган давлатлар саноатининг ривожланиш суръатлари анча тезлашади, етакчи саноат давлатларининг иқтисодий ўсиш суръатлари эса секинлашади.

Мазкур энг катта халқаро кредит-молия ташкилоти мутахассисларининг тахмин қилишларига қараганда, агар 1982—92 йилларда «учинчи дунё» давлатларининг ялпи ички маҳсулоти йилига ўрта ҳисобда 2,7 фоиз кўпайган бўлса, келгуси ўн йилда бу ўсиш йилига 4,7 фоизга етади. Аввало ўтган 10 йилликда иқтисодий сиёсат кенг миқёсда ва аксарият ҳолларда қийинчилик билан ислоҳ қилинганлиги мана шундай умидбахш тахмин қилиш учун асос бўлади, дейилади маълумотномада.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ Нонсан уездида руҳий беморлар касалхонасида кечаси фожиа содир бўлди. Тонготарга яқин ўт тушиши натижасида шу ерда даволанаётган 42 бемордан 34 нафари ҳалок бўлди. Икки кишининг бадани куйди. Фожиа сабаблари ҳали аниқланганы йўқ. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган 200 га яқин ўт ўчирувчи ёнғинни бартараф этган бўлса ҳам, бироқ, одамларни қутқариб қолишнинг иложи бўлмади.

* * *

СОБИҚ СССРНИНГ 90 нафар балиқчиси қарийб икки йилдан бери Буэнас-Айрес денгизи портидан чиқиб кета олмаяпти. «Латар—1» ва «Ян фабрициус» кемаларининг экипажлари собиқ совет Литваси билан Аргентинада қайд этилган қўшма балиқ овлаш фирмалари абгор бўлганидан кейин шу ерда қолиб кетди. Кемада на ёнилғи, на электр энергия ва на сув бор. Балиқчиларнинг озиқ-овқати тугади. Уларга тиббий ёрдам кўрсатилмаяпти. Ватандаги сиёсий ларзалар оқибатида мушкул аҳволга тушиб қолган кишилар уйига қайтиш учун самолёт чиптаси ололмаяпти, уни сотиб олиш учун пули ҳам йўқ.

* * *

АҚШ КОНГРЕССИНИНГ раҳбарлари — сенатдаги демократлар раҳбари Жорж Митчелл билан сенатдаги республикачилар раҳбари Роберт Доул Амриқо маъмуриятига ва НАТО аъзоларига мурожаат этиб, боснияли мусулмонларга қурол-яроғ етказиб бериш ҳақидаги тақиқни дарҳол бекор қилишга ҳамда Босния ва Герцеговинадаги сербларнинг ҳарбий истеҳкомларига осмондан зарба уришга чақирдилар.

* * *

ФРАНС ПРЕСС ахборот маҳкамаси Франция Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга асосланиб хабар қилишича, Франция Сербиянинг халқаро миқёсда батамом яккаланишини таъминлаш учун ўз ҳамкорлари билан биргаликда «фаол ишлаш» ниятида эканини билдирди.

(ЎзА).

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚАРИГАНДА «ҚЎЙИЛГАН» ИЛҲОМ

● МАЪЛУМКИ, одамзод қариганда нафақат жисмонан камқувват бўла боради, балки ақлдан ҳам... Бироқ бу тушунча кўп ҳам тўғри эмас. Чунки уни инкор этувчи омиллар шунчалар кўпки, беихтиёр ҳайратдан ёқа ушлайсан киши ва инсониятнинг ақлий имкониятлари нақадар кенглигига ишонасан. Ҳатто қариганда ҳам бу имкониятдан фойдалана билган одамлар борлиги — бу ҳақиқат. Масалан:

АРХИМЕД — эгма ойнани 75 ёшга тўлганда ўйлаб топган.

ЭДИСОН — 80 дан ошгандан сўнг 40 дан ортиқ янги ихтиролар яратган.

Италиялик буюк рассом ТИЦИАН 95 ёшида энг сара асари — «Христоснинг кўз ёши» картинасини чизган.

ВЕРДИ ўзининг машҳур «Фальстаф» операсини 80 га кирганда ижод этган.

Дунёдаги энг қари ёзувчи хасмерлик Элис ПОЛЛОК 1971 йил мартда ўзининг янги китобини чоп эттирганда бу аёл 102 ёшдан ошган эди.

СЕРМАҲСУЛ ИЖОДКОРЛАР

● ҚУЙИДА эълон қилинаётган ижодкорлар эса юқорида айтилганлардан фарқли ўлароқ унумли иш қобилиятига эгалиги билан ажралиб туради.

Дидактик асарлар устаси Агата Кристи 78 та дидактик, 6 та психологик роман, 19 та саҳна асари ва 4 та ҳужжатли кино яратиб, Британия адабиётида ўзига хос йўл очди. Унинг асарлари 44 тилга ўгирилган бўлиб, 1 миллиарддан ортиқ нусхада чоп этилган.

Таниқли француз ёзувчиси Александр Дюма (отаси) 250 та роман, 25 та пьеса яратган бўлса, Оноре де Бальзак ўзидан сўнг «атиги» 150 та асар қолдирди. Лопе де Вега эса 2 мингдан ортиқ пьеса ижод этган. Бироқ, шундан 470 тасигина бизгача етиб келган, холос. Замондошимиз Жорж Сименон эса 415 та романнинг муаллифи. У 215 та романига ўз исмини қўйган бўлса, қолганларини ҳар хил тахаллуслар билан ижод этган.

Ҳозирги замон Британия адабиётининг вакиласи Барбара Картленд ҳозир 80 ёшдан ошган. Унинг 395 та китоби чоп этилган. Бироқ, бу китобларни Барбара бутун умри давомида эмас, атиги 30 йилда ёзган. Айниқса, кейинги йилларда у сермаҳсул ишлаган. Бир йилда 20 тадан роман яратган. Шу романлардан бирини 14 кунда ёзиб ташлаган.

Картленд қизғин ишлаш учун ҳатто бутун бошли ёрдамчилар бригадасини тузган: уч нафар стенографистка матнни Картленднинг оғзидан чиқиши билан ёзиб турган, бошқа уч хизматчи эса турли вилоятларда адибанинг янги романлари учун манбалар йиққан.

Қаловини топса...

Халқ донишмандларча нақл қилган. «Бир хор бўлган нарсанинг бир азиз бўлиши бор». Бундан ақалли ўн йиллар илгари машина минганлар бензин дегани бизнинг мамлакатда «носвой баҳосида» бўлганини яхши эслайдилар. Бир литр бензин, бир литр минерал сувдан арзонроқ эди.

Ўшанда хор бўлган нарса бугун азиз бўлди. Яқинда Бешариққа борганимда Рустамжон билан шуларни гаплашдик.

...Мана, уч йилдирки, меҳнат таътилимни «Рапқон» шифохонасида ўтказаман. Шу баҳонада ажойиб инсонлар билан дўстлашиб кетдим. Абдужамил ака, Абдуғаффор, Бароталиака, Илҳомжон, Шарофиддин ака, Иброҳимжон... Ҳаммасининг касби ҳар хил. Бири шифокор, бири автомобилчи, бири енгил саноат муҳандиси, тағин бировлари туман миқёсидаги раҳбарлар... Бироқ барчаси ниҳоятда дилкаш, одамохун, кишилар. Рустамжон Деҳқонов шу даврадагиларнинг энг ёши. Бўғирсоқдек думалоқ, доим қаёққадир шошиб пилдираб юрадиган, тортинчоқлик билан жилмайиб турадиган бу йигит билан ҳам қадрдон бўлиб кетганмиз. Рустамжоннинг ғалати одати бор. Бир куни Бешариқда бўлса, бир ҳафта Туркманистонда. Уч кун уйида турса, тўртинчи куни лип этиб Уфага учади. Ўшанақаси Россиянинг аллақанча шаҳарларини айланиб келади. Унинг нима учун бундай «ғилдирак устидаги» ҳаётга кўникиб кетганини мана шу, кейинги суҳбатимизда англадим. «Бўрини инидан чиқарган нарса эҳтиёждир», деган гап бор. Рустамжон бўри эмас, шаҳарма-шаҳар юрадиган чайқовчи ҳам эмас. Унинг мутахассислиги — нефтчи. Рафқон нефть маҳсулотлари таъминоти фирмасининг директори.

— Ҳозир берсанг ейман, урсанг ўламан, деб қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас, — деди у одатдагидек кулимсираб. — Кўриб турибсиз, экиш-тикиш палласи бошланди. Деҳқон бир кун кечикса, ҳосил ўн кун кечикади. Устига-устак бозор иқтисоди «шарофати билан» ёнилғининг нархи қимматлашиб боряпти. Нефть маҳсулоти таъминоти билан шуғулланадиган вилоят раҳбарлари ҳам, буёқда ўзимиз ҳам қийин аҳволдан чиқиш йўлини топишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун елиб-югуриш керак. Бу ёғи Туркманистон, у ёғи Бошқирдистон дегандек...

Рустамжон тўғри айтади. Авваллари раҳбарлик қилиш шунчаки сим қоқиш ёки телеграмма жўнатиш билан ҳал бўлса, бўлгандир. Ҳозир шахсан ўзинг югуришингдан бошқа чора йўқ.

Рапқон базаси Фарғона вилоятининг Бешариқ, Фурқат туманларига, шунингдек, Ўзбекистон туманининг бир қисмига хизмат қилади. Хизматга Қўқон минтақаси деб аталмиш туманлардаги хўжаликларнинг трактори тўхтаб қолмаслигидан тортиб, Тошкентга қатнайдиган автобусларни ўз вақтида бензин билан таъминлашгача киради... Бир қарашда ҳаммаси табиий ва оддий. Ёнилғи базаси бўлгандан кейин вазифаси шу. Лекин ўша қуриб кетмагур ёнилғини вақтида етказиб келиш ва ўз вақтида керакли жойга етказиб беришнинг талай муаммолари бор. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, хўжалик ёки автобаза қачондир сувдан арзон бўлган, бугун эса анқонинг уруғига айланаётган ёнилғини сотиб олишга қурби етмай қолади. Бунда одатдаги расмий йўлдан борилса, яъни аввал пулни чўзиб қўй, кейин бензинингни оласан дейилса, ғалати ҳангомалар бошланади. Дейлик, Бешариқнинг автобуси Тошкентга бир кун қатнамай қолса, бирон хўжаликнинг трактори ярим кун далага чиқмаса, қишлоқ дўконида совун тугаб қолган бўлса-ю, машина бензинсиз қолса, ёинки «Рапқон» санаторийсига нон бир соат кечикиб борса... Бундай пайтларда расмият бир чеккага йиғиштириб қўйилади. Ўзбекона, соф инсоний муносабатлар қўл келади. Шифохонанинг бош дўхтири Абдужамил ака, автобаза директори Илҳомжон, Фурқат тумани давлат назоратининг бошлиғи Абдуғаффор, туман матлубот жамиятининг раиси Шарофиддин ака Рустамжонни ўртага олишади. Бир жойнинг одамлари бир-бирини қўлламаса бўлмаслиги, хўжалик ёки ташкилотга пул тушиши билан дарҳол орани очиқ қилишларини айтишади. Менимча, мингта расмиятчиликдан битта шундай одамгарчилик афзал... Рустамжон эса таги кўриниб қолган ёнилғи резервуарларини тўлдириш учун бугун Фарғонага, эртага Туркманистонга, индинга эса Уфага югургилайди.

Бундан беш йил аввал базага кирадиган темир йўл шахобчаси қурилди. Илгари битта вагондаги ёнилғини қуйиб олиш учун икки соат вақт кетса, ҳозир нариси билан ярим соатда бўшатиб олинади. Ёнилғи турларига мослаб қурилган йигирмадан ортиқ резервуар бор. 3000 тонна мазут сиғадиган махсус жой, вагонларни тез бўшатиш имконини берадиган эстакада қурилди. Бундан ташқари 4000 кубометр сиғимли янги резервуар бунёд этилмоқда. Албатта, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи — бир қадам нарида жойлашган. Лекин бугунги кунда бир қадам босиш билан иш битмайди. Шу боис ўтган йили Туркманистондан 8000 тоннадан ортиқ дизель ёнилғиси, 600 тонна техника керосини олиб келинди. Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводи билан бевосита шартнома тузилди. Шу йил январь ойининг ўзида Уфа шаҳридан 350 тонна бензин келтирилди.

Корхонада олтмиш киши меҳнат қилади. Лаборантлар, операторлар, механиклар... Тўғонбой Ўринов, Неъматжон Холмуродов, Муҳаммаджон Ҳолиқов, Анваржон Маражабов, Маъмуржон Сотволдиевлар касбига ихлос қўйган кишилар.

— Халқимиз ерни яхши кўришига қойил қолмай илож йўқ, — дейди Рустамжон. — Корхонамиз атрофида икки гектарча ташландиқ ер бор эди. Бир ғайрат қилган эдик, гуллаб кетди. Ёрдамчи хўжалик ташкил қилдик. Юз бош қорамолга мўлжаллаб молхона қурдик. Етмиш бош қорамол, ўттиз бош қўй боқдик. Туман раҳбариятига раҳмат, илтимосимизни ерда қолдирмай саккиз гектар ер ажратди. Ўтган йили меҳнаткашларимизга бир тоннадан ортиқ гўшт, 150 кило сарёғ, 50 кило асални арзон баҳода сотдик. Бу йил 6 сотих майдонга иссиқхона қурмоқчимиз. Ҳаммом, сауна қуриш ниятимиз бор.

Суҳбатда яна бир нарсани англадим. Рустамжон Деҳқонов тортинчоқлик билан кулиб туришига қарамай, ўзига яраша пишиққина йигит. Ҳозирнинг ўзида атроф туманларда бешта мой алмаштириш, учта кўчма ёнилғи қуйиш контейнерлари очибди. Ҳаммаси пухта ўйланган. Ҳар бир шохобчада тамадди қилиб олинадиган нуқта ва машинанинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи ихчам дўконча очишмоқчи. Худди чет эллардагидек. Машинангизнинг мойи тугаб қолган бўлса — марҳамат. Ишингиз битгунча нафас ростлаб, бир пиёла кўк чой ичинг, хоҳласангиз эҳтиёт қисмлари сотиб олинг. Харидорга ҳам қулай, базанинг ҳам бир жиҳатини кўтаради.

Шу куни кечқурун ўз укамдек қадрдон бўлиб кетган Абдуғаффорларнинг уйида дўстлар тўпланишиб, ҳангомалашадиган бўлдик. Фурқат тумани ҳокими Бароталиака, Бешариқ тумани матлубот жамияти раиси Шарофиддин ака, автобаза директори Илҳомжон ва яна талай қадрдонлар тўпланишди. «Рустамжон кўринмайди-ку?» десам, Абдуғаффор кулимсиради.

— Рустамжон бир ерда ўтирармиди? Узр сўраб, Туркманистонга кетди. Чоржўйдан бензин олиб келмоқчи экан. Тез бормаса бўлмай қопти.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Тиғсиз, қўл билан жарроҳлик

Ванга 1989 йил февралида орадан уч йил ўтгандан сўнг мен Филиппиндаги машҳур хилерлар (хилер — инглизча сўз бўлиб, даволовчи деган маънони англатади) ҳузурида бўлишимни ва улар мени яхши кутиб олишларини айтганда ишонмаган эдим. Шубҳага тушганимни дарров фаҳмлаган Ванга, вақт келади ва ҳаммаси ўз-ўзидан мумкин бўлади, маблағ топилади, деганди...

1992 йил сентябрида «Глобал холидейс» сайёҳ фирмасининг эгаси, малайзиялик бизнесмен мендан ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Унинг мурғак қизи кучли диатез (организмнинг касалликка мойиллик ҳолати)дан азобланарди. Қизи шифо топганидан миннатдор бўлган жаноб Тони Хо Филиппинга боришимни таклиф қилди, чипталарга пул тўлади, «Инкомбанк» ҳамда Россия «Интермикро» фирмаси маблағ билан кўмак беришди. Шундай қилиб, мен 11 декабрда Москвадан Куала-Лумпурга учиб кетдим. Эртак бошланди: кутиб олишга интилаётган иссиқ, эркалатувчи қуёш, гуллар, кишиларнинг чеҳрасида шодиёналик.

Ҳозирча хилерларгача йўл олис эди, лекин менинг сайрбондан омадим келди — ҳамроҳим Филиппинда кўп йиллар яшаган. «Российская газета»нинг шарҳловчиси Дмитрий Косирев чиқиб қолди. У мени адиб Жим Лекаук — «Ички тафаккур» институти бошлиғи ва хилерлик бўйича бош мутахассис билан таништирди. Дастлаб у бизни гумонсираш билан қарши олди, лекин мен адибнинг ўзига ва унинг котибига диагноз қўйдим, кейин эса улар билан бирга ишлаганимдан сўнг, Лекаук хилерлар билан таништирадиган бўлди.

Мана, 15 декабрда хонамга Роберт Ленан кириб келди.

У қирқ ёшда, ўттиз ёшидан бошлаб беморларни даволай бошлаган. Мен унинг кўксида муқаддас биби Марямни кўрдим. Унга бу ҳақда гапирганимда ғоятда қувониб кетди. У билан бирга ишлашга тўғри келди. У мен нимаки қилаётган, қандай нур билан амалга ошираётганлигимни яхши тушунарди. Россияда ҳам кучли қувватга эга бўлган кишилар борлигини эшитиб, мамнун таажжубланарди.

Шу куни эса яқинлашиб бўлмайдиган Жун Лабо билан учрашув бўлиб ўтди, у исталган вақтда Багиога боришга таклиф қилди. Биз «Нагойя — инн» меҳмонхонасининг олдига кундузги соат учда етиб бордик. Ғоят кучли тебраниш таажжублантирди, НУЖ қўнган жой мисоли энергия ер остидан чиқар эди. Жун-Лабо ва унинг рафиқаси Юко ғоят мамнуният билан кутиб олишди. Одатдагидек имтиҳон қилиш бошланди, ундан ўтдим. Натижада эса жарроҳлик столи ёнида туриб суратга олишга ижозат олдим. Бу камдан-кам учрайдиган омад.

Жун Лабо қабулхонасига кираверишдан мени Исо ҳайкали қаршилади. Хонада яна чормихга тортилган Исо пайғамбар сеурати солинган хоч ва катта сеурати осиб қўйилган. Жун Лабо бир неча дақиқа дуо ўқиб, ишга, ибодат қилишга киришди.

Олдиндан ечинган бемор Устозга эгилиб таъзим бажо келтирди, кейин эса столга ётди. Ассисентлар унинг баданини икки томондан сочиқлар билан ўрашди. Жун эса беморга қўлидан ушлаб турган сочиқ орқали қаради. Сочиқни суришди, бир неча сониядан кейин эса бармоқлари баданнинг тери ва мускулларини суриб, кафтининг ярми шишни тимирскилади, уни узиб олди, беморга ва атрофдагиларга кўрсатиб, тосга ташлади. Жун қўлларини кўтарди, мускуллар ва тери ўша заҳотиёқ туташди. Бемор ўрнидан турди ва хотиржам кетди. Жун Лабо эса қўлини иримига тосга ювди.

Бемор ўрнини бемор эгаллади. Моҳир даволовчи деярлик ҳар ўн-йигирма дақиқада умуртқа оралиғи чурра тушиши, бош мия томирларига лахта қон тиқилиши оқибатлари, ошқозон шиллиқ пардаси ўсимтаси, пешоб пуфаги, буйрак, жигар раки, ошқозон раки, ёғ шиши, кўксув, кўз гавҳарининг хира тортиши, бола миясидаги шиш сингари касалликларни бартараф этарди. Бу илоҳий даволовчининг олдига бутун оламдан беморлар келишарди.

Мўъжизавий таъсир кўрсатиш бор-йўғи 20 дақиқага чўзилади. Кейин жарроҳлик столи ёнига Юко Лабо турди. Унинг бемори мен эдим. Юко мендан ўн қўлимнинг шамоллаган бўғинларидан қуйилиб қолган қонни олиб ташлади ва манглай бўшлиғини тозалади. Қўлининг тегиши ғоят нозик, ипакдек. Ҳеч қандай оғриқ сезилгани йўқ, аммо қон фаввора бўлди. Эр-хотин учун бу оддий меҳнат. Иш тугагач, улар албатта Аллоҳга онд ичадилар ва ўз беморларини шифо топиб кетишларини дуо қиладилар.

Хайрлашувда Жун Лабо мени Филиппинга таклиф этди, ўз касбини ўргатишни айтди. Бу — улуғ қувонч ва юксак шараф.

Филиппинлик хилерлар ўзларининг серғайрат меҳнатлари билан инсоннинг имкониятлари улкан эканлигини исботламоқдалар. Улар ўзларини табиий фалокатлар туфайли Ер юзидан ғойиб бўлиб кетган қадимги цивилизациянинг вакиллари деб ҳисоблайдилар. Мен уларнинг бу фикрига қўшиламан, ёки улар инсоният зотининг билимларини сақлаб қолишга, англаб етмаган ҳолда ажойиб бошқара биладилар, кундан-кун касалларни қутқариб қолмоқдалар. Улар Аллоҳ яллақаганлар ёки уларнинг қўллари — илоҳий қўллар.

Людмила КИМ.

Ушбу суратни кўриб сураткашдан ўпкаландик: «Нега доим ўқитувчи халқи борки, қўлига китоб-дафтар кўтартириб ёки бўлмаса, тахта ёнида тасвирга туширасизлар? Бошқачароқ қилиб сурат олишнинг иложи йўқми?» дедик. Суратчи Умарали Хушвоқов эса: «Устозлар доим китоб-дафтар кўтариб юришса, на илож. Улар шунчалар бандки, суратга тушишаётганда қўлларидагини бир четга қўйишга ҳам вақт топишолмайди». Сиз суратда ана шундай фидойи ўқитувчилардан Санда Ҳусановани кўриб турибсиз. Бу аёл Акмал Икромов ноҳиясидаги 106-мактабда ишлайди.

THE FREEDOM SUPPORT ACT GRADUATE FELLOWSHIP PROGRAM
OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America and the American Embassies announce the Freedom Support Act (FSA) Graduate Fellowship Program, which will provide:

115 Fellowships, one year or two years in length, for graduate study in the USA, some of which may lead to a degree or certificate from a U.S. institution.

Fields:

Education Administration
Business Administration
Law
Public Policy
Economics
Public Administration

Competition for the Freedom Support Act Graduate Fellowship Program is merit-based and open. Anyone meeting the criteria below is eligible to apply. Individuals who applied for the 1993 Edmund S. Muskie Fellowship Program or the 1992 Benjamin Franklin Fellowship Program will automatically be considered for the Freedom Support Program and do not need to submit an FSA application.

Applicants must be:

Citizens of Armenia, Azerbaijan, Belarus, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Moldova, Russian, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine, or Uzbekistan

Lacking funding for study in the United States

Under the age of forty (40)

Holders of an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing

Proficient in written and spoken English at the time of application

Able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in their field of specialization

Able to begin study in the United States in August 1993.

Participation in the FSA Graduate Fellowship Program is contingent upon the ability to receive and maintain a U.S. visa.

Spouses of U.S. citizens, individuals currently enrolled in academic programs in the U.S., persons residing, working, or earning a living in the United States, or individuals who have applied for an immigrant visa or political asylum to any country are not eligible.

The Freedom Support Act Graduate Fellowship Program does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap, or disability.

Support for the FSA Graduate Fellowship Program is provided by the United States Information Agency.

The program is administered by:

American Council of Teachers of Russian/American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACTR/ACCELS)

International Research & Exchange Board (IREX)

Soros Foundation

Further information and applications are available from the following office:

FSA Fellowship Program
Ul. Furkat 1
5th floor, room 7
700027 Tashkent, Uzbekistan
Telephone: 45-23-48

Completed applications for the 1993 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program must be received by the above office by May 10, 1993.

Газета саҳифаланаётганда

ҚИШЛОҚДОШЛАРНИНГ МЕҲМОНДОРЧИЛИГИ

Узоқда бўлганингдан кейин кўнгил бир-бирингни тусаб тураркан. Шаҳрисабз туманидаги Оммағон қишлоғидан келиб, пойтахтдаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган илм толибларининг иноқликларидан ҳам ҳис қиласан буни.

Бу йил шу қишлоқнинг А. Қодирий номидаги ўрта мактабида таҳсил олган йигит-қиздан 21 нафари Тошкент олий ўқув юртларини битирганликлари ҳақида диплом оларкан. Талабалик даври билан хайрлашаётган мутахассислар эндигина илмиёт оламига қадам қўяётган қишлоқдошлари муаллимларини йиғиб ош беришди.

Ҳамюртлар шу баҳона юз кўришдилар, фикр алмашдилар. Бир-бирларига яхши истаклар, таклифлар билдирилди. Дастурхонга тортилган ош бир юз ўттиздан зиёд ҳамқишлоқ талабага баҳам кўрилди.

(Ўз мухбиримиз).

Келгуси сонда:

- ● ТИЛИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ
- ● ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛДИ...

РАҚҚОСА ХИРОМ АЙЛАГАНДА

Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармаси халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази билан ҳамкорликда атоқли санъаткор Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган кўрик-танлов ўтказди. Унда Фарғона, Қувасой, Қува, Марғилон шаҳарлари ҳамда Тошлоқ, Қува, Фарғона, Бувайда ва Ўзбекистон туманлари ҳаваскор рақкосалари қатнашди. Мусобақада Қува тумани «Анор» ашула ва рақс халқ дастасининг қатнашчиси Фотимахон Давронова якка рақсда биринчи ўринни эгаллади, Тошлоқ тумани «Райҳон» ашула ва рақс дастаси қатнашчилари оммавий рақсда ғолиб бўлди.

«УМИД» ДАЛА КЕЗАДИ

Очиғини тан олиш керакки, кейинги икки-уч йилда Зафаробод туманида аёлларга нисбатан эътибор, ғамхўрлик бир қадар кучайди. Уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлаш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аввало туман ҳокимлигининг эътибори туфайли 1992 йил апрель ойидан бери жойлардаги хотин-қизлар кенгашлари раислари ойлик маош билан ишлашга ўтказилди. Бу эса республикамиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда аёллар ва оиланинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда хотин-қизлар кенгашлари масъулиятини, фаоллигини янада кучайтиради.

Туманда 34 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Унинг 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Илгарилари кенгаш раислари ўз хизмат вазифаси, ташвишларидан ортиб, маҳалласидаги аёллар қувончи ва ташвишлари билан кам банд бўлар эди. Айни кунда эса жойлардаги опа-сингилларимиз ҳудудий жиҳатдан бирлашган хотин-қизлар кенгашлари раислари борлигидан мамнун. Ўз ташвишлари, арзимаган оилавий можаролардан паноҳ излаб туманга қатнашмайди. Ҳар қандай муаммоли масалалар ўша жойнинг ўзида ечимини топади.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Умид» клуби ташкил топди. Уни ташкил этишдан асосий мақсад хўжаликлардаги опа-сингилларимиз, уйда ўтирган аёллар билан очиқчасига, дилдан суҳбатлашишдир.

Учрашувга тумандаги барча ташкилот раҳбарлари, жумладан, асосан савдо, тиббиёт, маиший хизмат, ижтимоий таъминот соҳалари раҳбарларини таклиф этамиз. Жойлардаги ечилмаётган муаммоларнинг кўпчилиги шу учрашувда ҳал бўлади. Кейин узоқ муддат талаб қилинадиган муаммо эса алоҳида назоратга олинади. Худди шундай учрашув яқинда туман пахта тозалаш заводида ўтказилди. Унда заводда ишловчи аёлларнинг иш соатини қисқартириш, аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга доир бир қатор муаммолар инобатга олинди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Бугунги кунда аёлларимиз ўз севимли газетасига эга бўлдилар. Газета «Умид» деб номланиб, унинг саҳифаларида опа-сингилларимизнинг қувонч ва ташвишлари, орзу-умидлари ёритилиб бормоқда. Яқинда «Эътиборсизликка йўл йўқ» сарлавҳаси остида мақола эълон қилди.

Мақолада Вазирлар Маҳкамасининг оналар ва болаларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ҳимоялаш мақсадида қабул қилган кам даромадли, кам қонли аёллар ва 1-2 ёшгача бўлган болаларни бепул озиқ-овқат билан таъминлаш тўғрисидаги фармонларнинг бажарилиши қаламга олинган. Очиғи кам даромадли оилалар, кам қонли оналар ва болалар оладиган бепул маҳсулотлар нархи қимматлашган сайин унинг миқдори камайиб бораётган эди. Сабаби, аёллар ва болалар нормадаги маҳсулот турини эмас, балки илгариги нарх билан белгиланган суммадаги маҳсулотни олишаётган экан. Газета чиқишидан сўнг бу муаммо ўз ўрнида ҳал этилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ҳар бир байрамга алоҳида тайёргарлик кўраяпти. Ўзбек аёлларининг тимсоли бўлмиш Нодирабегимнинг 200 йиллигига бағишлаб «Иқбол» қизлар танлови ўтказган эдик. «Балли қизлар», «Даврага кел, дугонажон», «Балли йигитлар», «Бахтни ким қандай тушунади?», «Сиз опасиз», «Қайнонам — онам» мавзуларида танлов ва кечалар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари «Умид» клуби аъзолари кам даромадли, кам таъминланган оилаларда бўлишиб, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилишади.

Клубнинг дастури хилма-хил тадбирларга бой. Унда таниқли кишилар билан учрашувлар, оналикни эъзозлаш борасидаги кечалар, қайнона ва келин ўртасидаги самимият хусусида суҳбатлар ўтказиш мўлжалланган. Энг охирги ана шундай мулоқот Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалигида бўлди. Унга тўпланган юзлаб опа-сингилларимиз кечада айтилган қўшиқлардан, ибратомуз ҳикматлардан, нуроний онахонлар ўгитларидан роҳатланишди, завқланишди. Ҳозирги давр тақозосига кўра, маълум миқдорда жойларда турмуш ташвишлари оғирлашиб, айрим опа-сингилларимиз елкасидаги вазифалар ортган кунларда бундай илиқ гаплар жуда зарурдир. Зеро, ҳеч нарса инсон қалбини юракдан кўрсатилган самимиятчалик ёритолмайди. Демак, «Умид» клубининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовордир.

Олтиной РУСТАМОВА,
Зафаробод туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 22.00 да. 1 2 3 4 56